3 ЯНВ 1992

Маърифат

معرفت

Халқ зиёлилари рўзномаси

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 9 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

№ 3 (5600).
Баҳоси сотувда 35 тийин.

Таълим тўғрисидаги Қонун лойиҳаси муҳокамада

6 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши халқ таълими, фан ва маданий меросни асраш комитетининг олий ўқув юртлари ректорлари, вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари ҳамда мактаб директорлари, шунингдек таълимга алоқадор халқ депутатлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлди.

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси муҳокама этилди. Уни комитет раиси А. Аскаров олиб борди.

Муҳокамада сўзга чиққанлар ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ҳақидаги биринчи батафсил ҳужжат бўлиб, у жамият ва оила олдидаги фуқаролик бурчини ўзининг юксак билими, касбкори билан адо этишга қодир бўлган ҳар жиҳатдан баркамол ва эркин шахсни шакллантириш мақсадига хизмат қилишини таъкидладилар, унинг айрим бандлари тўғрисидаги ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда ушбу қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессияси муҳокамасига тақдим этишга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

ИЗЛАНИШ ЙЎЛИДА

Баҳриддин Исомов Қаршн ноҳиясидаги 2-мактабнинг ижодкор ўқитувчиларидан бири. Мен унинг дарсларини кўп бор кузатганман. Баҳриддин ҳар бир дарсни жонли, кўргазмали қуроллардан фойдаланган ҳолда олиб боради. Ўтган йилнинг март ойида у Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган XV Жумҳурият педагогик ўқишларида қатнашиб, ажойиб ғалабага эришди. Ўтган йилнинг кузида эса Пенза шаҳрида ўтказилган IX Бутуниттифоқ педагогик ўқишларида иштирок этди.

—IX Бутуниттифоқ педагогик ўқишлари, — деб ҳикоя қилади Баҳриддин, — «Халқ таълимининг янгиланиши шароитида педагогик-психологик назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлиги» шиори остида ўтди. 470 дан ортиқ маърузачи 9 та шўъба ва 11 та кичик шўъбаларга бўлиниб иш олиб боришди.

Мен «Тарбия назарияси ва амалиёти» шўъбасида «Ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариши жараёнида «Синф кўзгуси»нинг моҳияти» мавзусида маъруза қилдим. Маъруза педагогик ўқиш қатнашчиларида яхши қизиқиш уйғотди ва педагогика илмий-тадқиқот марказларига ўрганиш учун тавсия этилди. Бу мен учун катта бахтдир.

Ҳа, қишлоқ мактабининг ижодкор ўқитувчиси Баҳриддин Исомовнинг ижодий изланишлари иттифоқ миқёсида яхши баҳолангани бежиз эмас. У педагогик тажрибаларни эринмай ўрганиб келмоқда, ўз билим савиясини ошириш устида мунтазам иш олиб бормоқда.

Баҳриддин Бутуниттифоқ педагогик ўқишларида назариётчи олимлар, илғор педагоглар билан суҳбатлашди, таълимни такомиллаштириш муаммолари юзасидан улар билан фикр алмашди. У мактаб ўқувчиларига рус тилидан пухта билим бериш юзасидан ижодий изланишлар олиб бормоқда. Жумладан, рус тили ва адабиёти дарсларида болаларнинг топқирлигини ўстириш, билим доирасини кенгайтириш мақсадида телевидениеда намойиш этилаётган эшиттиришга ўхшаш «Поле чудес» («Мўъжизалар майдони») ўйинини жорий этган.

Ижодкор ўқитувчи Баҳриддин Исомовга аттестация якунларига кўра олий тоифа берилди. Баҳриддинга таълим-тарбия ишида янгидан-янги ютуқлар тилаймиз.

Ж. ЖИЛОВОВ.

Суратларда: 1. Б. Исомов. 2. Рус тили ва адабиёти бўйича 11-синфда «Мўъжизалар майдони» ўйини ўтказилаётир.

Суратқаш А. ЧАПЛИГИНА.

Сафо ОЧИЛ

ЯРАШДИ

Халқнинг ёпиқ-яширин овоз бериши асосида сайланган биринчи ўзбек Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1992 йил 4-январда навбатдан ташқари сессиясида қўлларида Қуръони Карим ила эл учун хизмат қилишга қасамёд қилди.

Ислом номи билан беғумон,
Қўлларига Қуръон ярашди.
Овмин дегай аҳли мусулмон,
Сафо, дилга иймон ярашди.

Елкасида ўзбек чопони,
Бошда дўппи — миллат осмони,
Белда белбоғ — даври даврони,
Жанобимга жавлон ярашди.

Кўкси узра Қуръони Карим,
Онт ичди у мунис сарварим,
Омон бўлсин инсонпарварим,
Юртга марду майдон ярашди.

Ишонинг, у қасамхўр эмас,
Элдан бўлак ўзгани демас,
Ҳамкор бўлинг унга муқаддас,
Ўзбек отлиғ бўстон ярашди.

Таралибди хуш оввозалар,
Очилмиш ҳар ён дарвозалар!
Нопоклардан ёнин тозалар,
Бизга тоза виждон ярашди.

Эл ишончи муборак бўлғай,
Сафо Очил, истиқлол кулғай,
Ислом йўли гулларга тўлғай,
Кулиб турган армон ярашди...

ҲИММАТ

Чироқчи ноҳиясидаги М. В. Ломоносов номли 44-ўрта мактаб ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси яқинда «Ленин учқуни» рўзномасида эълон қилинган бухоролик оқ қон касалига йўлиққан ўқувчи Шерзод Шариповга ёрдам беришга қарор қилдилар. Улар ноҳия мактаблари ичида биринчилардан бўлиб шу мақсадда очилган махсус ҳисобга 212 сўм пул ўтказдилар.

Б. БОБОРАҲМАТОВ.

КЎНГИЛДАГИ ИШУ, ЛЕКИН...

Айни кунларда жумҳуриятимиздаги кўпнинг сонли муаллимлар Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги Қонуни лойиҳасини катта бир қизиқиш билан муҳокама қилмоқдалар. Бизнинг Шаҳрисабз ноҳия халқ таълими бўлимида ҳам, мавжуд мактабларимизда ҳам бу ишга қизғин киришилган.

Фурсатдан фойдаланиб, мен ҳам ушбу лойиҳани қўллаб-қувватлаган ҳолда, тажрибаларимдан келиб чиқиб, баъзи фикрларимни билдирмоқчиман.

Қонуннинг II бўлим 13-моддасида «Таълимнинг давлатга қарашли шакли қуйидагилардан иборат: мактабгача тарбия; умумий ўрта таълим; ҳунар-техника таълими; ўрта махсус таълим; олий таълим; аспирантура ва докторантура», деб жуда тўғри ёзилган. Аммо шулар қаторида «Одоб таълими», «Диний таълим» кабилар ҳам киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Акс ҳолда ушбу моддадан, тарчи тугаб кетган бўлса-да, ҳамон СССР давридаги маҳкамабозлик ва юқоридан белгилаш иллатлари кўринниб турганга ўхшайди.

IV бўлим «Таълим тизимининг молия-хўжалик фаолияти» деб номланган 32-модданинг 1-сўзбошиси охиридаги «...ажратиладиган маблағлар ҳисобланади» деган сўзлардан сўнг жумлани яна қуйидагича давом эттириш мақсадга мувофиқдир: «Ушбу маҳаллий сармоя маблағлар йил бошида ҳамма соҳалар бўйича фақат жойлардаги халқ таълими бўлимлари ҳамда мактаб, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасалари ихтиёрига берилади. Улар ўз маблағларига ўзлари эгалик қилиш ҳуқуқига эгадирлар». Албатта, ушбу моддага мана шу жумлалар қўшилишини бугун фақат мен эмас, балки барча мактабларда ишлаётган педагоглар орзу қилишмоқда. Чунки йиллар давомида эски услубда иш юритишнинг натижаси бизни ана шундай қолипга солиб қўйганди. Аҳамият беринг, ёнингизда маблағингиз бўлса-ю, унинг эгаси эса бошқа бир киши бўлса, мантиққа тўғри келмайдиган гап. Бироқ ҳақиқатда эса худди шундай эди.

Энди қонундаги 19-моддаанинг учинчи сўзбошиси ҳам ўзгартириш ва тўлдиришлар билан қуйидагича бериш керак, деб ўйлайман. «Ўрта махсус таълим олган мутахассисларни тайёрлаш саккиз йиллик таълим асосида амалга оширилади». Шунда бола 18 ёшда ўрта маълумотли мутахассис бўлиб етишади.

Умуман олганда «Таълим тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни»нинг барча бўлимларида ҳали пишиқ-пухта қилиниши керак бўлган бандлар жуда кўп. Биз педагоглар халқ таълими тизимида туриб меҳнаткашларнинг фарзандларига тарбия берарканмиз, демакки, ўзимизнинг йўналишимизга бирдан-бир асос бўладиган қонунни пухта билиб, унга амал қилиб, унинг йўл-йўриқлари билан иш тутсак, ўйлайманки, кўзланган натижага эришамиз.

Бердимурод СУЛТОНОВ,
Шаҳрисабз ноҳия халқ таълими бўлими мудири.

ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Ҳунар-техника билим юртларида

ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ

Халқимизда ҳунарли кишининг иқболи баланд бўлади, деган нақл бор. Каттақўрғон шаҳридаги 19-автомобиль ҳунар-техника билим юрти жамоаси ана шу нақлни ўзининг дастурларига айлантирган.

Билим юрти дарвозасидан кирган заҳоти ўзингизни бошқача ҳис қиласиз. Ҳаммаёқ чиннидай топ-тоза. 15 гектар майдонни эгаллаб турган билим юрти боғидаги дов-дарахтларнинг таналари оҳак билан оқланган.

Ўқув-ишлаб чиқариш, тажриба боғига қарашли ерлар шудгор қилиниб, маҳаллий ўғит билан таъминланган. Узумзор майдондаги ниҳоллар кўмилган. Хуллас, бу даргоҳда кузги-қишки ишлар агротехника қоидаларига асосан амалга оширилган.

Боғнинг қоқ ўртасида жойлашган икки қаватли бинода ўқув хоналари, лаборатория ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган махсус кабинетлар жойлашган. Бу ерда мажлислар зали ҳамда талабаларнинг турли-туман мавзуларда суҳбат ўтказадиган хонаси мавжуд бўлиб, бу хонада телевизор, радио ва бошқа техника воситалари қўйилган.

Билим юрти маъмурияти ўқув-тарбия ишлари савиясини кўтариш, талабаларнинг яйраб ўқиш, спорт ўйинлари билан шуғулланишини кўзлаб елиб-югурди. Ҳунар маскани ўзининг дастлабки машғулотларини пастқам, кўримсиз синфхоналарда бошлаган эди.

Ҳозирги кунда эски бинолар ўрнида бирин-кетин янги замонавий бинолар, жумладан, муҳташам ўқув корпуси, 210 ўринли ошхона, 250 ўринли намунали ётоқхона, катта спорт зали, клуб, кутубхона, спорт комплекси каби иншоотлар қад кўтарган.

Бу ерда дастлаб ёшларга экскаватор машинисти ва кенг профилли трактор-чи ихтисоси бериларди. Билим юрти ўқув режаларини ҳаёт талабларига мос қилиб тузди. Каттақўрғон минтақасидаги хўжалик ташкилотларининг шофёр кадрларга бўлган эҳтиёжини ўрганиб чиқиши натижасида 1985 йилдан бошлаб бу даргоҳда иккита касб — шофёр ва автослесарлик мутахассиси бўйича кадрлар тайёрлайдиган ўқув даргоҳига айлантирилди. Ҳозиргача билим юртини 5 мингга яқин киши битириб чиқди.

Билим юрти Каттақўрғон, Иштихон, Советобод, Нарпай, Пахтачи ноҳиялари ҳамда Каттақўрғон ва Оқтош шаҳарлари хўжаликларига шартнома асосида шофёр ва слесарлар тайёрлаб бермоқда. Илгари болалар ўз аризалари билан билим юртига кириб ўқиб, уни битириб, қўлларига ҳужжат олиб, қаерга бориб ишлашларини билмай сарсон-саргардон бўлардилар. Эндиликда бундай хўжасизликка тамоман чек қўйилган.

(Давоми 4-бетда).

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНАМИЗ

Тил билган — эл билади, дейди донолар. Дарҳақиқат, янгиланиш даврининг шарофати билан барча жойларда чет тилларнинг равнақига, уни ўзлаштириб, ўша халқнинг урф-одати, маданиятини чуқурроқ ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумҳуриятимизда ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар талайгина. Бундан кўзланган асосий мақсад, аввало, ёшларга янгича, замон талабига жавоб берадиган даражада сабоқ бериш бўлса, иккинчидан, даврнинг ўзи ҳам айнан шуни тақозо қилиб турибди.

Тўғрисини айтиш керак, фанлардан чуқурлаштирилган ҳолда, ўқувчини зериктирмайдиган, касб танлашда унга ёрдам берадиган, энг муҳими, ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, мутахассислигини қайта қуриб олган муаллимлар Қашқадарё вилоятида ҳам талайгина. Гарчи баъзи дарсликлар шу кун талабига кўнгилдагидек жавоб бермаса-да, бироқ тажрибали педагогларнинг иш услублари вилоят педагогика жамияти томонидан оммалаштирилаяпти. Бу эса ёш муаллимларга катта ёрдам бермоқда. Яқинда Қашқадарё вилоят педагогика жамияти ана шундай тажрибали педагоглардан немис тили мутахассисларининг бир неча нафарининг қилган ишларини шу фан мутахассисларига дастуриламал сифатида оммалаштирди.

Қуйида немис тили мутахассислиги бўйича тажрибали муаллимларнинг бир соатлик дарс услубидан намуналарни ўқийсиз.

ИЗЛАНГАН ИМКОН ТОПАДИ

Бир соатлик дарсни кўпинча йирик бир асарга қиёслашади. Эътибор берсангиз, ҳақиқатда ҳам худди шундай. Лекин ўз мутахассислигини пухта эгалламай, изланмай, фақат китоблар билан чегараланиб келаётган муаллимлар ҳам, афсуски, талайгина. Бироқ гап ҳозир бу хусусда эмас. Мақсад—ўқувчига сабоқ бериш, уни қандай бўлмасин, керакли даражада савияли қилиб тарбиялашдадир.

Бозор Эрназаров Тошкент чет тиллар институтини тугаллаб, Ғузор ноҳиясидаги 4-ўрта мактабда немис тили фанидан сабоқ бериб келаётганига ҳам яқинда ўттиз йил бўлди. Ўз фанини сидқидилдан севувчи муаллим ишни фақат дарсликлар билан чегаралаб қўймасдан, синфхонани кўргазмали қуроллар воситасида безаш, кинофильмлардан овоз ёзиб олиш ва ўқувчилар билан узвий алоқада бўлиш, энг муҳими, нафақат дарсда, ҳатто кўча-куйда ҳам ўқувчилари билан учрашганда бўладиган мулоқотни немис тилида гапиришга одатлантиришдан бошлади.

Тўғри, бошланишда анчагина қийинчиликлар ҳам бўлди. Лекин бу қийинчиликлар эзгулик йўлидаги ишга тўсиқ бўлолмади. Қайтанга ўқувчилар орасидан фанга қизиқувчилар тезда ажралиб кўринди. Бундан фойдаланган Бозор ака аввал мактабда, кейинчалик эса ноҳияда алоҳида тўгарак ташкил этиб, қизиқувчилар билан жиддий машғулотлар олиб бора бошлади. Натижаси ёмон бўлмади. Эндиликда ўша тўгарак қатнашчиларининг тўқсон фоизи ноҳияда, олий ўқув юртларида, немис тили фанидан сабоқ беришмоқда.

Гап бир соатлик дарс устида бораркан. Бозор аканинг ўқувчиларга маъқул бўлаётган битта хислати хусусида тўхталишни истардик. Дарсга киришга қўнғироқ чалиндими, аввало ўқувчилар эмас, балки ўқитувчининг ўзи уларни кутиб олади. Синфхонанинг тўрида жойлашган махсус кинокўрсатгич ўқувчилар жам бўлиши билан ишга тушиб кетади. Ундаги ленталарда турли хилдаги мулоқотлар, дарсга оид бўлган ранг-баранг кўргазмалар қисқа муддатда кўрсатилади. Шундан сўнг янги дарс бошланиб, мавзу тушунтирилади. Яна бир нарса. Бозор ака ҳеч қачон вақтни йўқотиб, йўқлама қилиб ўтирмайди. Чунки у ўқувчиларни бир қарашдаёқ билади.

Шуни эслатиб ўтиш керак, у ҳеч қачон ўқувчига ёзма равишдаги ишларни уйга вазифа қилиб топширмайди. Уйга фақат матнни ўқиш, икки ўқувчи ўртасида бўладиган турли хилдаги мулоқотлардан топшириқлар беради. Кейин дарс жараёнида вазифанинг қандай бажарилганлиги кузатилиб, баҳони ҳам ўқувчиларнинг ўзлари белгилашади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Бозор Эрназаров фақат дарслик билан чегараланиб қолмайди. У ҳар куни қандайдир янги қўлланмалар, немис тилидаги бадиий китоблар, ҳеч бўлмаганда, шу тилда чиқадиган рўзнома ва ойномалардан фойдаланади. Шу боисдан бўлса керак, ўтган йилги вилоятда бўлиб ўтган немис тили фани бўйича олимпиадада ундан сабоқ олган ўқувчилар юқори натижаларни қўлга киритишди.

Изланган имкон топади, деганларидек, Бозор Эрназаровнинг иш услуби ҳақида кўп нарса ёзиш мумкин. Бироқ гап ёзишда эмас. Муҳими, у ўз соҳаси бўйича талабчан, изланувчан. Ёшлар қалбида фанга нисбатан қизиқиш уйғота оладиган устозлардан.

Ўрол НУРҚОБИЛОВ,
вилоят педагогика жамияти масъул котиби.

ТИЛГА ДИЛ БИЛАН ҚАРАШ ЛОЗИМ

Кўпчилик ҳамкасблар ўқувчиларнинг чет тилига қизиқиши суст эканлигидан, шунингдек, дарслик ва қўлланмаларнинг камёб ва эскириб қолганлигидан нолишади. Ҳақиқатда эса бу нотўғри фикр. Мен йигирма йиллик тажрибамдан келиб чиққан ҳолда шуни айтишим мумкинки, аввало, қандай фан бўлишидан қатъи назар, унга оддий кўз билан эмас, балки муаллим кўзи билан дилдан қараш лозим.

Очиқчасига айтавериш керак, бир пайтлар эндигина иш бошлаганимда, анча мураккаб-ликларга дуч келгандим. Мақтанчоқликка йўймайсиз, изланишлар натижаси яхши самара берди.

Назаримда, чет тилини ўрганишда, у қайси тил бўлишидан қатъи назар, аввало, нутқ ўстириш услуби ўқитувчи учун бош мезон бўлиб қолиши керак. Бунинг учун эса ҳадеб дарслик ва ўқув дастурларига ёпишиб олмасдан, балки қўлбола стендлар, рангли кўргазмалар, турли хилдаги тил билан алоқадор бўлган жадваллар, сиёсий плакатларни кўпайтириш, тил ўргатиш самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Иш тажрибамдан бир соатлик дарс жараёнини таҳлил этмоқчиман. Дарсга кириш билан, истаймизми-йўқми, ўқувчи ҳар бир ҳаракатимизни, қилаётган ишимиз ва дарсни нимадан бошлашимизгача кузатиб туради. Шунга қараб келажакда қайси ўқитувчи билан қандай муомалада бўлишни улар ҳам хомчўт қилиб қўйишади. Шу боис ҳам, қайтариқ бўлса-да, айтиб ўтиш керак, ўқитувчига кўп нарса боғлиқ. Мен дарсга келганимда, аввало, уйда

(Давоми 2-бетда).

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНАМИЗ

(Бошы 1-бетда).

яхши ҳозирлик кўраман. Кўча-куйда нимани ва қандай воқеани кўришдан қатъи назар, дарсга уни алоқадор қилиб қўймайман. Дарс бошландими, демак, мавзуга оид материаллар, қолаверса, қайси тил, ўрганилаётган мамлакат харитаси, уларнинг урф-одатлари мисоллар билан келтирилиб, шу миллатга яқин ҳаяжиялар, кичик ҳикоялар ҳам айтиб ўтилади. Ўртада узилиш бўлмаслиги учун ўзим тарқатган чет тилидаги китоблардан ўқувчилар қандай фойдаланаётганликлари ҳам кузатилади.

Уй вазифасини юклашда ҳам тутган изимиз бошқачароқ. Масалан, турли масалалар, шунингдек, матнларни ёзиб эмас, балки ана шу берилган матнни таҳлил қилиш, фонетик, грамматик ва лексик товушларни ўзаро таласффуз этиш кабилар ўқувчи зиммасига юклатилади. Ҳар дарсда топшириқларнинг натижаси кузатилиб, баҳо билан белгиланади. Булардан ташқари, чет эл классик куйлари, хор бўлиб айтиладиган ашулалар ҳам ўрганилиб, баъзилари ўқувчилар иштирокида бажариб кўрилади. Яқинда худди шундай ўйинлардан бири мактабимизнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида тажриба тариқасида синаб кўрилди. Бажарилган ишнинг натижаси эса ёмон эмас. Қўшимча қилиб шуни айтиш керакки, ҳар ойнинг охирида ўтилаётган фан юзасидан ўқувчилар билан синов тариқасидаги баҳолаш мезони ўтказилади.

Бир соатлик дарсни у ёки бу маънода қандай ўтиш ўқитувчининг ўзига боғлиқ, деганларидек, юқорида санаб ўтилган усулларнинг барчаси қирқ беш минут ичида бажарилади. Тўғри, ана шу вақт оралиғида баъзи бир камчиликларга ҳам йўл қўйган пайтларимиз бўлади. Бироқ бу нуқсонларни ўқувчиларнинг ҳамкорлигида йўл-йўлакай тузатиб оламиз.

Нурмамат НУРМАТОВ,
Китоб ноҳиясидаги 22-мактабнинг немис тили ўқитувчиси.

●

«НОЙЕС ЛЕЙБЕН» ДАРСДА ҲАМРОҲИМ

Инсон ўз меҳнати билан она-табиатга, борлиққа асос солса, ўқитувчи, мураббий эса ана шу инсонни ҳар жиҳатдан тоблайди, тилини бурро, фикрини равон қилади. Мактабда ўтиладиган барча фанлар қаторида чет тили дарсларининг ҳам ўзига лойиқ алоҳида ўрни бор. Аммо узоқ вақтлар ана шу фан негадир назардан четга чиқиб қолди. Унга қизиқувчилар сони ҳам бир оз камайганди. Натижада буни кўпчилик ҳамкасблар турлича талқин қила бошлади. Масалан, дарс соатларининг камлиги, мутахассисларнинг етишмаслиги ва шунга ўхшаш баҳоналар рўкач қилинди. Аслида эса мутлақо бошқача эди.

Ўқувчининг фанга қизиқишини уйғунлаштириш учун, назаримда, бир соатлик дарс ҳам кифоя қилиши мумкин. Бунинг учун қўлланмалар, ранг-баранг кўргазмалар, ўқувчи овози ёзилган магнит ленталарини қайта қўйиб эшиттириш ҳам, биринчидан, чет тилига бўлган муносабатни чуқурроқ шакллантирса, иккинчидан, ўқувчининг нутқ маданиятини ўстиришга катта таъсир этади.

Мактабимизда асосан чет тили дарси сифатида немис тили фани ўтилади. Демак дарс номининг ўзи шу соҳа мутахассисидан ўз устида чуқурроқ изланишни тақозо этади. Ана шундан келиб чиқиб, аввало, синфхонани керакли кўргазмалар билан жиҳозлашга эътиборни қаратдик. Шунингдек, «Нойес Дойчланд», «Нойес Лейбен» каби немис тилида чиқадиган рўзномалар дарс ўтиш жараёнида доимий ҳамроҳимиз бўлиб келмоқда. Синфхонада ташкил этилган кутубхона эса ўқувчиларни шу фанга қизиқишига замин яратмоқда. Энг муҳими, чет тилини ўрганиш ўқувчиларнинг дунёвий тилларни билишига, уларнинг урф-одатлари, маданиятидан баҳраманд бўлишига кенг йўл очаяпти.

Элмурод РЎЗИЕВ,
Қарши ноҳиясидаги 29-мактаб ўқитувчиси.

●

БИР ХИЛ ТАЛАБ НАТИЖА БЕРМАС ЭКАН

Янгича шароитда чет тилларига бўлган эҳтиёж тобора кенг қулоч ёймоқда. Бу эса ўз-ўзидан мактабданоқ ўқувчиларга пухта билим бериб, тил ўргатишни тақозо этмоқда. Эндиликда у қайси дарс бўлишидан қатъи назар, қуруқ гап билан эмас, балки бегиланган қирқ беш минутдан самарали фойдаланиш, ўқувчи билан очиқчасига мулоқотда бўлиб, унинг қалбига кира бориш маҳорати ўқитувчилар олдидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаяпти.

Мен ўтган ўн етти йиллик тажрибамга суянган ҳолда бир соатлик дарсни қуйидаги тартибда ўтаман. Аввало, ўқувчилар билан ишлашда ёзма ишлар эмас, балки оғзаки нутқ биринчи ўринга чиқарилди. Бу эса кўпроқ ўқувчиларни бир-бирлари билан жонли мулоқотда бўлишларига замин ҳозирлайди. Бундан ташқари, ўқувчиларга бир хил талабчанлик билан мурожаат этмайман. Масалан, қобилиятига қараб ҳар бир ўқувчига вазифа белгиланади, аълочи ўқувчи ўзига топширилган вазифани яхши бажардими, демак ўртача ўқийдиган ўқувчи ҳам келажакда ундан ортда қолмасликка интилади.

Ўқувчининг фанга қизиқишига эришиш учун фан кабинети алоҳида қилиб жиҳозланган. Айтайлик, уларни шу фан билан қизиқтирадиган турли хил воситалар, бирлашган Германиянинг сиёсий ва саёҳат хариталари, давлат байроғи, немис ёшлари ташкилотлари, немис тилида сўзлашувчи давлатлар ҳақида стенд, немис халқининг буюк алломалари ҳақида махсус стенд ва шунга ўхшаш 500 дан ортиқ турли манбалар синфхонадан жой олган.

Дарсга кириш билан ўқувчилар ўз ўринларида ўтириб, лингафон орқали немис тилида қизиқроқ бирор нарса тинглашади. Шундан сўнг савол-жавоб бўлиб ўтади. Бу билан ўқувчилар ўртасида ўзаро мусобақа методи шаклланади. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг таржимонлик маҳоратлари ҳам синаб кўрилади. Қирқ беш минут вақт ичида ўтилган мавзу юзасидан мунозара ҳам бўлади. Масалан, дарсда ўқувчига қуйидаги эркинликлар берилган: методни ўзи танлаш, карточка тузиш, истаган синфдошини баҳсга чақириш ва ҳоказо.

Қирқ беш минут жараёнида ўтказган бундай усулимиз, биринчидан, ўқувчининг фанга бўлган муносабатини кенг шакллантирди, касбга тўғри йўналтирса, иккинчидан, ўқувчига эркинлик яратилади. Эркинлик эса ижодкорликдир.

Ана шу қисқа фурсатда бош вазифа ўқувчини ижодкорликка ундашга қаратилган бўлади. Бунинг учун ҳар дарс луғат билан ишлашга, луғат эса бевосита ўқувчига қайта эслашга, яъни унинг хотирасини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Хуллас, бир соатлик дарсга жуда кўп нарса боғлиқ. Келажакда яхши мутахассислар, моҳир тилчилар етишиб чиқишини истасак, аввало, қирқ беш минутнинг самарали ўтишини таъминламоғимиз лозим.

Зулфиқор УМАРОВ,
Шаҳрисабз ноҳиясидаги 36-мактаб ўқитувчиси.

ЎЙИН УСЛУБИНИ КУЗАТГАНМИСИЗ?

Чет тили — яшаш учун кураш қуролидир, деган донолар. Қайси тил бўлишидан қатъи назар, уни ўрганиш, инсон маънавий бойлигининг муҳим манбаидир. Ибн Сино, Беруний, Умар Хайём каби буюк бобокалонларимиз машҳур юнон алломалари Гиппократ, Аристотел ва бошқаларнинг асарларини тўғридан тўғри ўқишган. Демак, улар ўз даврида жаҳон тилларидан хабардор бўлишган.

Дарҳақиқат, ўзга тилларни ўрганиш жаҳон цивилизацияси ғалабаларининг ажралмас қисмидир. Шундай экан, бугунги кунда мактабларда чет тилларини ўқитишга ижобий ёндашишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бир неча йилдирки, мактабда немис тилидан дарс бериб келаман. Ўтган йиллардаги кузатишлар натижаси шуни кўрсатаяптики, фақат дарслик ёки белгиланган программалар билан дарс ўтиш, кўпинча, ўқувчини зериктириб қўяди ёки унда фанга нисбатан қизиқиш уйғотмайди.

Шу нуқтаи назардан бир соатлик дарсни ўз тажрибам бўйича бундай уюштирдим. Чунончи, дарс жараёнида гуруҳ ва жуфт бўлиб ишлаш, конференция дарслар, топишмоқли дарсларни ташкил этиш, булардан ташқари ўтилаётган тилда сўзлашувчи халқларининг урф-одатларига доир суҳбатлар, савол-жавоблар ўқувчилар ижодкорлигини оширишда яхши самара бермоқда. Шунингдек, «ТЕСТ» техника воситасидан унумли фойдаланиш, энг муҳими, 4—5-синфларда немис тили дарслари дастурига мослаштириб қўлланилаётган «ДОМИНО» ўйини ўқувчилар хотирасидаги луғат бойлигини синаб қўриш ва уни янада мустаҳкамлашга кенг йўл очмоқда. Мана шу ўйин ёрдамида муаммоли вазиятлар яратиш, бир йўла икки ўқувчини синовдан мусобақа тарзда ўтказиш мумкин.

Ўйин усулининг яна бир тури маълум мавзу материалларига таянган ҳолда уюштириладиган таржимонлик маҳоратидир. Унда асосан ўқувчилардан беш киши қатнашади. Айтайлик, биринчиси—чет эл меҳмони, европача кийинган бўлиб, қўлида расм олгич, кўзойнаги бор. Ўзбек тилини билмайди. Иккинчиси—ўзбек, чет тилини билмайди. Учинчиси—таржимон. У биринчи ва иккинчи киши ўртасида тилмочлик вазифасини бажаради. Бир вақтнинг ўзида бажариладиган роллар алмаштирилади. Ниҳоят, бир соатлик дарс турли ўйинлар воситасида ўтилиб, дарс ниҳоясида уйга вазифа қилиб бадиий китоб ўқиш, ҳар хил манбалардан олинган матнларни таржима қилиш топширилади. Баҳолаш эса ҳар ойда ёки ўн беш кунда бўлади.

Кейинги икки йил ичида бу услубнинг натижаси яхши бўлмоқда. Ўқувчиларимиз барча турдаги олимпиадаларда қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритишяпти. Ҳатто чет тиллар институтига имтиҳонсиз йўлланма олганлар ҳам бор...

Дилмурод ХОЛМУРОДОВ,
Косон ноҳиясидаги 4-мактабнинг немис тили муаллими.

* * *

Ниҳоят, юқорида немис тили мутахассислари ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, дарс ўтиш услуби, ўқувчиларнинг чет тилига бўлган муносабатини шакллантиришга, қайси тил бўлишидан қатъи назар, ўша эл, миллатнинг урф-одатини, маданиятини уларга сингдиришга қўшаётган ҳиссалари хусусидаги иш тажрибаларидан баҳоли қудрат ўртоқлашдилар. Эҳтимол, бундай услуб ҳаммага ҳам маъқул бўлавермас, лекин бу ёш педагогларга йўлланма сифатида ўқувчиларнинг чет тилини ўрганишига дастуриламал бўлиши табиий.

Қашқадарё вилояти Қарши ноҳиясидаги 10-ўрта мактабнинг рус тили ўқитувчиси Бегимқул Беққуловнинг олий илмгоҳни битириб келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, изланувчан муаллим ўқувчилар билан тезда тил топишди. Чунки у дарсларни доимо қизиқарли олиб боради.

Тасвирда: Б. Беққулов навбатдаги машғулотни лингафон хонасида ўтказаётир.

Суратказ А. ЧАПЛИГИНА.

Халқ таълими жонкуярлари

МАОРИФГА БАҒИШЛАНГАН УМР

Эргаш ака собиқ ўқувчиларини кузатиб хонага кирди. Иш столи устида мактублар, табрик телеграммалари. Улар орасидан ҳозиргина ўқувчилари топширган табрикномани олиб дил сўзларига кўз югуртирди: «Тошкент шаҳридаги 141-ўрта мактабни битириб ҳаётга йўлланма олар эканмиз, қадрдон мактабимиздан, меҳрибон муаллимларимиздан, айниқса, синф раҳбаримиз, яъни маънавий отамиз — Сиздан айрилиш оғир бўлган эди.

Устозлик меҳрингиз, олижаноблигингиз, ҳаётда барчамизга намуна бўлишингиз доимо Сизга бўлган ҳурматимизни мустаҳкамлаб келди. Мана, 33 йилдан кейин ҳам собиқ 10«В»-синфингиз Сизни қутлаб таъзимга келдик...»

Самимий дил сатрларини ўқир экан, унинг вужудини ўз ишидан қониқиш ҳисси ҳамда шогирдларидан фахрланиш туйғуси қоплади.

...Эргаш аканинг болалик даври Улуғ Ватан уруши йилларига тўғри келди. Уйда тўнғич фарзанд бўлганлиги сабабли бутун оғирлик унинг елкасига тушди. Шунинг учун мактабдан бўшади дегунча отасининг ёнига ёрдамлашгани чопар, кечалари эса тонгга қадар дарс тайёрлаш билан овора бўларди. Шундан бўлса керак, ёшига нисбатан тез улғайган, салобатли, алп қоматли Эргаш ака ўзининг дастлабки педагоглик фаолиятини 141-ўрта мактабда бошланғич синф ўқитувчилигидан бошлаганидаёқ нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчилар ҳам ундан чўчиб туришарди. Орадан кўп ўтмай мактаб педагогик жамоаси Э. Пўлатовга юқори синфларга тарих фанидан дарс бериш билан бир қаторда 7«В»-синф раҳбарлигидек масъулиятли вазифани юклади. Мана 38 йилдирки тарих фани ўқитувчисини ўқувчилар сабрсизлик билан кутишади. Чунки бутун дарс мобайнида ўқувчилар ўзларини «сеҳрли олам»га кириб келгандай ҳис этадилар. Тарих—фанларнинг онаси. Ёш авлод ўз тарихини тўла-тўкис билмай туриб, келажакка тўғри назар ташлай олмайди. Ўз ўтмишини, тарихини унутган халқ ҳеч қачон юзага чиқмайди. Шунинг учун ҳам Эргаш ака ҳар бир ўқувчининг қалбига ўзининг бой тарихи ва ўз маданиятига эга бўлган Урта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқини оламга танитган Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдулла ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Самарқандий, Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Ғиёсиддин Жамшид Қоший каби алломалар бебаҳо меросининг бутун улуғворлигини олиб киришга ҳаракат қилади. Шу боис Эргаш ака қайси синфга киришидан қатъи назар, синф сув қуйгандек жим-жит бўлар, пашша учса эшитилар эди. Бу, албатта, ўқувчиларнинг муаллимдан қўрқишидан эмас, балки дарсининг ўзи қизиқарли ташкил этилганидан бўларди. Эргаш аканинг яна бир ажойиб хусусияти бор эди. У синф раҳбари сифатида ҳар бир ўқувчининг қалбига йўл топа оларди. Шу сабабдан ўқувчилар ҳатто ота-онасига айтолмайдиган гапларини Эргаш ака билан бемалол маслаҳатлашишарди. Эргаш ака ҳам ўз навбатида ўқувчиларнинг уй шароити, имконияти ва ота-оналаригача яхши танир, ишнинг ижобий битиши учун ҳар бир ўқувчининг уйига қайта-қайта боришдан эринмасди. Бу ҳамда Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар Академияси кимё-технология илмий-текшириш олийгоҳи катта илмий ходими, кимё фанлари номзоди Муяссар Ҳасанова биз билан суҳбатда бундай деди:

— Устозимиз Эргаш ака бизга худди отамиздай бўлиб қолганлар. Биз ўқиган йилларда шароит оғир бўлиб, шаҳарлик ўқувчиларни ҳам икки-уч ойлаб пахта теримига жалб қилишарди. Уч йил кетма-кет пахтага чиқдик. Бошқа синфлардан 5—10 нафар ўқувчи пахта теримига боришмаса-да, бизнинг синфдан ҳамма борар, ҳаттоки энг қаттиққўл ота-оналар ҳам Эргаш ака билан суҳбатда қандай қилиб хўп дейишганини ўзлари ҳам билмай қолишарди. Мана, орадан анча йиллар ўтганига қарамай қувончли ё ташвишли кунларимизда ҳам, бирор ишни битиролмай қолган пайтларда ҳам устозимизни излаб қоламиз. Устозимиз хонадонига ўз уйимиздек кириб борамиз. Айни кунда Э. Пўлатов мактабдан ажралмаган ҳолда Октябрь ноҳияси халқ таълими бўлимида кадрлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқдалар. Эргаш ака нафақат ёш, мурғак қалбларнинг, балки ноҳиядаги минглаб маорифчиларнинг устози ҳамдир. Уларнинг ташаббуси ва бошчилигида кўплаб илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибалари ўрганилди ва касбдошлари эътиборига ҳавола қилинди.

— Мен Э. Пўлатовни ўқитувчилик фаолиятим орқали 21 йилдан бери биламан, — дейди 40-ўрта мактаб раҳбари Б. Каримов. — Эргаш акадан иккинчи босқичда таълим олдим, десам янглишмайман. Инсон дастлаб иш бошлаганида ён-атрофидагилардан ўрганади. Уларни кузатади. Чунки ўқиш бошқа, иш бошқа. Олий билимгоҳда олган билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, болаларнинг бутун диққатини ўзига қаратиб машғулот ўтиш осон эмас. Дастлаб иш бошлаганимда буни чуқур ҳис этдим. Ўқитувчига асосий нарса болалар билан тил топа билишдир. Эргаш акадан ана шу хусусиятларни ўргандим. У кишида мен ҳурмат қиладиган, бир хусусият борки, у ҳам бўлса ўз оналарига бўлган чексиз меҳрларидир. Эргаш ака учун оналарининг сўзлари қонун. Ҳар қандай гапларига ҳам «Ҳўп, онажон» деб жавоб қайтаришлари, сўнгра вақт ўтказиб, дилларини оғритмасдан, нотўғри гап бўлган бўлса, секин тушунтиришлари, айниқса, ҳозирги кунда кўпчилик учун ибратга лойиқ. Яна диққатлиси шуки, Эргаш ака шогирдларидан ҳеч қачон юз ўгирмаган. Шогирдларидан фахрланиш, ёмон ишларидан эса куюнишлари ҳамиша юракдан бўлади.

Дарҳақиқат, Эргаш ака меҳри дарё, вазмин феълли, ҳушёр ва барчага бирдек талабчан раҳбар. Ноҳия бўйича ҳар бир мактабнинг аҳволини, ундаги директор ва ўқитувчиларнинг руҳиятини кузатиб боради. Истаган мактаб директорига айтадиган гапи битта: «Ростини гапир, кейин ҳижолат бўлмайсан...» Мактабларга тез-тез бориш, муаммоларни жойида ҳал қилишдан эринмайди. Йўл қўйилган камчилик ёки яхшиёмон ишларни чуқур таҳлил этмай туриб жазога ёки мақтовга тавсия қилмайди. Лозим бўлганида беминнат ёрдамини аямайди.

Қалби пок, меҳри дарё устозни ўзлари истиқомат қиладиган «Шарқ юлдузи» маҳалласи хонадонларида тез-тез учратиш мумкин. Уни маҳалла қўмитасидаги ёшларни тарбиялаш шўъбасига мудир этиб сайлашгани бежиз эмас.

Ҳозир у мактаблар билан ҳамкорликда болалар ўртасида тарбиявий ишларни олиб боряпти. Бу юмушга Э. Пўлатов аралашганидан буён бир неча тарбияси оғир ўсмир хулқида ўзгариш сезилиб, ҳаётдан ўз ўринларини топганлиги, ҳақиқат.

Эргаш аканинг фарзандлари ўстозининг ўзи каби меҳнатсевар, эл ишига бел боғлаган ажойиб инсонлар бўлиб етишди. Йўлдош — матлубот ходими, Исмоил — муҳандис. Исроил — йўл қурилиши бўйича муҳандис, Маъмура — муҳандис-иқтисодчи, Мунира — муҳандис-иқтисодчи, Элмира — бўлажак шифокор. Кенжа қизларидан бошқа ҳамма фарзандлари уйли-жойли, бола-чақали бўлиб кетишган.

Бутун умрини маориф соҳасига бағишлаган, ўқитувчи деган номни осмон қадар улуғлаган Эргаш ака Пўлатовнинг жамоатчилик, мактаб-маориф соҳасидаги хизматлари муносиб тақдирланган. Устоз «Ҳурмат белгиси» ордени, Ўзбекистон Жумҳурияти Олий Кенгаши фахрий ёрлиғи соҳиби, Иттифоқ маорифи ва Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси нишондоридир.

Д. ЗОКИРОВА.
Тошкент шаҳри.

КЎЧМА КЕНГАШ

Бугунги кунда Наманган вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли умумтаълим мактабларида ўқув машғулотлари жараёнида кўргазмалиликка, айниқса, фильмотека ишларига катта эътибор бериляпти. Яқинда вилоятда бўлиб ўтган жумҳурият педагогик ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш олийгоҳининг кўчма кенгашида бу борада амалга оширилган ишлар ҳамда галдаги вазифалар хусусида фикр юритилди. Наманган вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш курсларида таълим жараёнини фаоллаштиришда ЭҲМдан фойдаланиш борасидаги иш тажрибалар кенгашнинг асосий мавзуларидан бири бўлди.

Кенгашда жумҳурият ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий олийгоҳининг ректори Ғ. Шоумаров нутқ сўзлади.

Б. ҚЎШМОНОВ.

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

«Коммунистик партия манифести»да баён этилган шу хулосанинг асосларини кўриб чиқамиз, маълум тарихий мисолларни эсга оламиз. «Ўзининг буржуа ишлаб чиқариш ва айирбошлаш муносабатлари билан, буржуа мулкий муносабатлари билан худди сеҳргар каби шу қадар катта ишлаб чиқариш ва айирбошлаш воситаларини вужудга келтирган ҳозирги замон буржуа жамияти ўзи афсун ўқиб чиқарган ерости кучларини эндиликда уддалай олмай қолган сеҳргарга ўхшайди. Бир неча 10 йиллардирки, саноат ва савдо тарихи ҳозирги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳозирги ишлаб чиқариш муносабатларига қарши, буржуазия ҳаёти ва ҳукмронлиги учун зарур бўлган мулкий муносабатларга қарши исён кўтариш тарихидангина иборат бўлиб қолмоқда», — деб ёзган эди Маркс билан Энгельс. (Асарлар. 4-том, 429-бет).

Дарҳақиқат, 1825 йилда Европа мамлакатларида биринчи катта иқтисодий кризис бошланди, шундан кейин ўқтин-ўқтин иккинчи, учинчи кризислар бўлди. Ишлаб чиқариш юксалиши ўрнига таназзул келиб турди, кўпгина корхоналар ёпилди, банклар синди, пролетариат орасида ишсизлар кўпайиб, улар бечораҳол кун кечирадиган бўлдилар. Бироқ фабрикаларда меҳнат қилиб турганларнинг турмуши ҳам унчалик яхши эмас эди. Тинкани қуритадиган меҳнат, кўп соатли иш куни, арзимас иш ҳақи, ғайриинсоний меҳнат шароитлари ҳукм сурарди. Ишчи тобора бир хилдаги, ибтидоий ишларни бажаради, у машинанинг қўшоғига айланиб қолади, меҳнати тобора кўпроқ қадрсизлана боради. Бироқ ишчиларнинг бундай аҳволи (баъзи утопиячи социалистлар ўйлаганларидек) буржуазия маънавий бузуқлигининг оқибати эмас эди. Маркс ўз асарларида ва, айниқса, «Капитал»да капиталистик тузум тараққиётининг зиддиятлари ва тамойилларини таҳлил этади, капиталистик эксплуатация (зулмкорлик)нинг моҳиятини очиб беради. Ленин «Капитал» асарини «Илмий социализм баён қиладиган муҳим ва асосий асар», деб таърифлаган эди (Тўла асарлар тўплами, 1-том, 203-бет).

Марксизмнинг қўшимча қиймат назариясини Энгельс тарихни материалистик тушунишдан кейинги иккинчи буюк кашфиёт деб тавсифлаган эди. Шу назариянинг асосий қоидаларини қисқача кўриб чиқайлик.

Инглиз сиёсий иқтисодчиларининг асарларидаёқ ҳар қандай бойликнинг манбаи бўлган меҳнат ҳақидаги ғоя мавжудлиги маълум. Маркс шу ғояга таяниб, бир қанча янги принципиал қоидаларни илгари сурди. Бунда инсон меҳнатининг маҳсули, айирбошлаш учун ишлаб чиқарилган товар тушунчаси унинг мулоҳазаларининг илк нуқтаси бўлган эди. Товарнинг иккита асосий хусусияти бор. Биринчидан, у инсоннинг эҳтиёжларини қондириши керак. Бу хусусият истеъмол қиймати номини олди. Иккинчидан, товар муайян нисбатларда бошқа товарларга айирбошланиш қобилиятига эгадир. Мутлақо турли товарларни бир-бирига тенглаштиришга, бозорда сотиш вақтида уларни таққослашга нималар имкон беради? Мана шу умумийлик товарнинг қийматидир, товар қиймати деганда ижтимоий зарур меҳнат назарда тутилади (у, аввало, муайян аҳамият учун ўртача техника даражаси, маҳорат даражаси, меҳнат жадаллиги шароитида товар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иш вақти билан белгиланади). Шундай қилиб, агар бозорда бир товарнинг бирлиги бошқа товарнинг бирлигида айирбошланса, демак, уларни ишлаб чиқаришга бир хил миқдорда ижтимоий зарур меҳнат сарфланган бўлади (амалда айирбошлаш доимо ўзгариб турадиган талаб ва таклифни эътиборга олиб ҳам амалга оширилади, албатта). Қиймат қонунининг моҳияти мана шундан иборат.

Инсоният тарихий ривожланишининг муайян босқичида бозорда янги товар — иш кучи пайдо бўлади. Маркс шу товар пайдо бўлишининг иккита зарур шартини: шахсий эркинлик ва ишлаб чиқариш воситаларидан «эркинлик»ни кўрсатиб ўтган эди. Бундай шартлар Ғарбий Европанинг бир қанча мамлакатларида феодал қарамлиги муносабатлари тугатилиб, кўпгина мустақил ишлаб чиқарувчилар хонавайрон бўлиши натижасида вужудга келди. Бу товарнинг хусусиятлари ҳам бошқа ҳамма товарларга нисбатан хусусиятларига ўхшайди. Меҳнат қилиш, моддий неъматларни вужудга келтира олиш қобилияти, яъни унинг ўз қийматидан ортиқ бўлган янги товарларни, янги қийматни ярата олиш қобилияти унинг истеъмол қийматидир. Иш кучи бўлган товарнинг қиймати эса унинг тирикчилик воситалари билан, яъни ишчи ва унинг оиласи эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган ҳамма нарсаларнинг (бироқ ишчи унумли меҳнат қила оладиган меъёрдаги нарсаларнинг) қиймати билан белгиланади. Ишчи капиталист учун ўз иш кучи қийматидан кўра анча кўп қийматга эга бўлган товарларни ишлаб чиқаради. Бу тавофутни (қўшимча қийматни) ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган капиталист текинга ўзлаштиради. Капиталистик зулмкорлик (эксплуатация)нинг моҳияти мана шундан иборат. Шундай қилиб, ёлланма меҳнатдан зулмкорлик йўли билан фойдаланиш (уни эксплуатация қилиш) — капиталистик ишлаб чиқариш усулининг асоси бўлиб, унинг ҳалокатидан кейингина тугатилиши мумкин.

Марксизм асосчилари ўзининг ички зиддиятларини бартараф этишга қодир бўлмаган жамият сифатида капитализмга ҳукм чиқариш билан бирга мавжуд муносабатларни супуриб ташлаб, зулмкорликдан халос бўлган янги ижтимоий тузумни қарор топтира оладиган ижтимоий кучни ҳам кўрсатиб бердилар. «Эндиликда буржуазияга қарама-қарши бўлиб турган ҳамма синфлар орасида фақат пролетариатгина чинакам инқилобий синфдир» (Асарлар, 4-том, 434-бет). Марксизм асосчиларининг фикрича, ишчилар синфининг «буржуазия гўркови» сифатидаги ўрни ва аҳамияти унинг зулмга дучор бўлган, «қўриқлашга арзигулик бирон нарсаси» бўлмаган синфнинг жамиятдаги мавқеи билан белгиланади, бу синф айни вақтда қатъий ҳаракат қила оладиган, синфий доноллик ва инқилобий жасорат қобилиятига эга бўлиб, душманга: «Менинг ҳеч нарсам йўқ, аммо мен ҳамма нарсага эга бўлишим керак», деб дадил қарши чиқа оладиган, жипслашган синфдир (Асарлар, 1-том, 426-бет).

Марксизм асосчиларининг шу даъволари ва кароматлари замон синовида тасдиқландими, аввал бошқа капитализм ҳалокатининг муқаррарлиги ҳақидаги хулосага тўхталайлик. «Эркин рақобатли классик капитализм»ни билдирадиган аниқ тарихий мисоллар билан таниш бўлган бирон-бир киши Маркс ёзган ривожланишнинг салбий жиҳатлари ва тамойиллари мавжудлигини инкор эта олмайди. Аммо бу тузумнинг тез орада ҳалок бўлиши ҳақидаги тахминлар тўғри бўлиб чиқмаганлиги равшан. Бундан ташқари, капитализм кўп жиҳатдан ўзгарди ва эндиликда у марксизм асосчилари таҳлил этган тузумга унчалик ўхшамайди. Гап нимада ўзи? Бу саволга бериладиган жавоб ҳозир равшан деб ўйлаймиз: улар капитализмнинг ўзини ўзи ривожлантириш имкониятига етарли баҳо бермадилар, унинг фақат бир босқичига — машина ишлаб чиқариши биринчи босқичига хос бўлган хусусиятларни (вайронгарчилик келтирувчи тартибсизлик, пролетариатнинг доимий қашшоқланиб боришини) умуман капитализмнинг тугатилиши мумкин бўлмаган хусусиятлари деб ҳисоблаган эдилар. Хўш, нега энди ҳозир равшан кўриниб турган ҳолат лоақал тахмин сифатида ҳам эътиборга олинмаган эди? Ўша пайтдаги воқелик бу имкониятни жиддий тарғиб этиш учун асос бермаган эди. Маркс билан Энгельс каби ўткир зеҳнли мутафаккирлар ижтимоий турмушнинг тадқиқотчилари наҳотки буни пайқай олмаган бўлсалар?

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

Муаллим тавсиялари

ФИЗИКА ВА ЭКОЛОГИЯ УЙҒУНЛАШГАНДА

Дунёнинг барча мамлакатларида табиатни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланиш шу куннинг долзарб масаласига айланмоқда. Шундай экан, ўқувчиларни ҳам табиат муҳофазаси руҳида тарбиялаш ҳар бир ўқитувчи — тарбиячининг диққат марказида бўлиши давр тақозосидир.

Экологик таълим қуйидаги уч мақсадга қаратилиши лозим:

1) табиатни ўз ҳолича сақлаш;

2) ҳар бир киши ўзининг ва бошқаларнинг соғлиғига жавобгарлик ҳис қилиши;

3) атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиатни бузувчи — нфлословчиларга муросасиз бўлиш.

Бунинг учун ўқувчилар табиатдаги ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг қонуниятларини, жамият билан табиатнинг ўзаро боғлиқликларини пухта билишлари талаб этилади.

Юқоридагиларни амалга ошириш учун мактаб дастуридаги барча фанларни ўқитиш жараёнида табиат муҳофазаси ҳақида фикр юритиш талаб қилинади. Шундай экан, ҳар бир ўқитувчи ўз фанининг хусусиятларидан келиб чиқиб, бу ишни амалга оширади.

Физика фанини ўқитиш жараёнида табиат муҳофазаси соҳасида ўқувчиларга кўпгина маълумотлар бериш мумкин. Жумладан, атроф-муҳитнинг физик катталиклари; атроф-муҳитда бўладиган ўзгаришларнинг жонли табиат учун таъсирлари; табиатни муҳофаза қилишнинг физик усуллари; энергиянинг мавжуд манбалари ва келгусида экологик тоза манбалар яратиш йўллари; техниканинг физик асослари ва табиатни нфлосланишини камайтириш йўллари; атроф-муҳитнинг табиий нфлосланиши ва уларни камайтиришнинг физик йўллари (бу мавзуларни яна давом эттириш мумкин).

Айрим мавзуларни ўқитишда табиат муҳофазаси ҳақида бир неча мисоллар келтирамиз.

7-синфда моддаларнинг уч ҳолати ҳақида маълумот беришда деярли барча ўқитувчи сувнинг уч ҳолатини асосий мисол сифатида келтиради. Ҳудди шу мисолдан табиат муҳофазаси учун ўринли фойдаланиш мумкин.

Табиатда сувнинг уч ҳолатда: сув, буғ, муз (қор) кўринишида бўлишини ўқувчи билади. Шу айланиш табиий ҳолатда, инсон таъсирларисиз борса, табиатдаги мутаносиблик бузилмайди. Сув — сув ҳавзалари (океан, денгиз, кўл, дарёлар). дан, ер сиртидан, ўсимликлар баргларидан доимо буғланиб ҳавонинг намлигини таъминлаб туради, конденсацияланиб булутлар ҳосил бўлади, натижада ёмғир, қор ёғиб сув заҳираларининг камаймаслиги таъминланади. Тирик организмлар ва ўсимликларнинг ривожланиши учун ҳавода етарли намлик бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Кейинги вақтларда нима бўлаяпти?

Сув ҳавзалари саноат чиқиндилари билан нфлосланиб, сув бетида мой пардаси кўпаймоқда, кўплаб ўрмонлар кесилмоқда, ерларнинг сиртини шўр босмоқда. Бу сувнинг табиий буғланишини камайтириб, натижада кўплаб салбий таъсирларга (қурғоқчилик, ҳаво ҳароратининг нисбатан кўтарилиши) сабаб бўлаётир. Бу ўз навбатида инсон саломатлигига салбий таъсирини ўтказади. Шунинг учун ўқувчилар табиатга муносабатни физиканинг кириш қисмиданоқ тўғри тушуниб боришлари, саноат эҳтиёжи учун ўрмонларни кесишни ўрнини тўлдириб бориш шарти ва режаси билан амалга оширилишини, саноат чиқиндиларини тўлиқ тозалангач, оқова сувларни сув шахобчаларига йўналтириш зарурлигини билишлари фойдадан ҳоли эмас.

8-синфда «Нурланиш» мавзусида гапирганда, планеталарга энергия қуёшдан нурланиш воситасида келишини ўқувчилар яхши билишади. Шунинг билан бирга энергия мутаносиблиги бўлиши учун планеталардан ҳам энергия нурланиши, нурланаётган энергиянинг атмосферадан ташқарига чиқиши унинг таркибига боғлиқлигини тушунтирамиз. Ҳозирги вақтда энергия мутаносиблигининг бузилиши, об-ҳавонинг кескин ўзгариб бораётганлигининг сабабларидан бири катта-катта завод-фабрикалардан атмосферага чиқарилаётган тутун ва турли газлар таркибидаги ис газининг кўплигидир. Натижада ердан нурланаётган энергиянинг атмосфера ташқарисига чиқиши камаяди, бора-бора «парник эффекти» деб номланувчи иссиқликнинг Ерда ортиб кетиши, музликлар эриб бошлаши ва катта-катта сув тошқинлари бўлиш хавфи ҳақида, унинг олдини олиш учун атмосферага чиқадиган газларни ҳам тозалаш зарурлиги хусусида маълумот берилади.

Атмосферани булғаётган манбалардан бири — ички ёниш двигателлари ҳақида 8- ва 10-синфда маълумот берганда, асосий эътиборни ҳозирги кунда ёнилғи таркибининг тозалигини таъминлаш зарурлигини оддий тажриба асосида кўрсатиш мумкин. Спирт лампаларидан бирига соф спирт, бирига соф бензин, яна бирига бир озгина (5—10 фоиз) дизель ёнилғиси аралаштирилган бензин қуйиб, навбати билан ёқиб кўрсатамиз. Ўқувчилар нфлос бензиннинг тутаб ёнишини ўз кўзлари билан кўрадилар.

Шунингдек, ички ёниш двигателлари тутунида заҳарли газларнинг камайиши, яъни ёнилғининг тўлиқ ёниши двигателнинг техник созлигига ҳам боғлиқлигини тушунтирамиз. Ҳозирги вақтда ички ёниш двигателларида суюлтирилган газ, спирт билан бойитилган бензин ёқишга ўтилаётганлиги табиат муҳофазаси соҳасидаги ишлар туркумига киришини эслатамиз.

9-синфда космосни ўрганишда мамлакатда қўлга киритилган ютуқлар ҳақида гапирганда, «Метеор» туридаги Ер йўлдошлари атмосферанинг юқори қатламларида бўлаётган жараёнлар ҳақидаги маълумотларни Ерга юбориб турганлиги, бу маълумотларга асосланиб табиат муҳофазаси режалари тузилиши ва амалга оширилишини айтиб ўтамиз. Айниқса, об-ҳавони олдиндан маълум қилиш, бўронлар, довуллар, тайфунлар йўналиши ва тахминий кучини олдиндан хабар қилиш, атмосфера ва океанлардаги бўғланиш соҳаларини аниқлаш, ўрмонларда катта ёнғинлар, касалланишларнинг ўрни ва ҳажмини кўрсатиб беришда Ер йўлдошларининг вазифаси катта эканлигини тушунтирамиз.

9-синфда товуш ҳақида тушунча беришда шовқинлар ва унинг зарарлари ҳақида гапирмаслик мумкин эмас. Чунки кейинги вақтларда хоҳ шаҳарда, хоҳ қишлоқда тўйларда ниҳоятда қувватли овоз кучайтиргичлардан фойдаланиш авж олмоқда. Айрим ҳолларда 1,5—2 чақирим масофадан тўйхонада таралаётган товуш эшитилади. Шовқинлар, юқори қувватли товуш (мусиқа товуши бўлса ҳам)ларнинг олдини олиш инсон саломатлигини ҳимоя қилишнинг муҳим омили эканлигини алоҳида уқтириш лозим. (Шовқинни саноатда ва техникада камайтириш йўллари ҳақида ҳам маълумот берилади).

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шундай бўлса-да, Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон халқлари учун энг муҳим ҳисобланган Орол муаммоси масаласига тўхталиш ҳам ҳар бир физика ўқитувчиси дарсини ҳаёт билан боғлаш намунасидир.

Ш. ИЗЗАТОВ,
Бухоро вилояти Вобкент ноҳиясидаги Мужрим-Обид номли ўрта мактабининг олий тоифали физика ўқитувчиси.

ЗУЛМАТДА ҚОЛГАН ЗИЁ

Исломжон ТУРСУНОВ, Ҳайдарали УЗОҚОВ

Ўз даврида ўзбек тилини ерли бўлмаган миллат вакиллари томонидан самарали ўрганиш жараёнининг ташкилотчиларидан бири бўлган Рамзи атрофида шубҳали фикрлар қуюқлаша бошлади. Очиғини айтганда, кун, ой ва йил сайин фаолияти изчиллик билан ўсиб бораётган атоқли педагог, ажойиб маориф раҳбари, талантли журналист Маннон Рамзи Абдуллаев кимлигадир ёқмасди, албатта. Шу сабаб ўша кезлари бошланаётган сиёсий тозалашлар, қатағонликлар қаърига уни ҳам тортиш режаси туғила бошлади. Ниҳоят Рамзини ҳеч бир гуноҳсиз 1929 йилнинг апрель ойи охирларида Жумҳурият Халқ маорифи комиссарилигидан озод қилдилар. «Наркомпрос»нинг бир коллегия йиғилишида М. Рамзи: «...деярли раҳбарларни айбсиз ишдан қувишмоқда. Бундай бошбошдоқлик, кадрга бўлган нотўғри сиёсатни аппаратда давом эттирилмоқда. Буни аппаратнинг ўзидаёқ бўғиш керак» (ўша иш, 9-том, 297-бет), деганлиги унинг ишдан кетишига «асос» бўлган эди.

АДОЛАТСИЗЛИК СЕЛИ КЕЛДИ

1930 йилнинг баҳор ойлари эди. Кунлардан бирида Маннон ака ишдан анча кеч ва сўлғин кайфиятда қайтди. Уйда унинг хотини Турсуной Файзи қизи, ўғиллари Белик (12 ёш), Элдор (3 ёш) ва 68 ёшлик онаси Ҳамро хола ҳар доим барвақт келадиган оила етакчисининг бугун ишдан негадир кеч қолаётганлигидан ташвиш тортиб ўтиришар эди.

Ҳар ҳолда она-да... Турли хуш, нохуш хаёллар оғушида ташвишланаётган Ҳамро хола ўзича кўнглига келтирди: «Ҳар куни бутун катталарни НКВД деган ташкилот битта-битталаб қамоққа олаётган бўлса... Носир Саидий, Қаюм Рамазон, Ғулом Ёқубов деганларни кечаси уйидан олиб кетишибди...»

Ҳамро хола хавотирга тушди: наҳотки унинг ўғлини ҳам олиб кетишса?! Бироқ унинг кўнгли яна тўқ бўлди: «Орден, медаль олганларни қамашмас экан». Бу гапни у ишончли кишидан эшитганди. Шу сабаб ўзича таскинли хулоса қилди: «Ахир Рамзи давлат ва халқ олдида юракдан меҳнат қилган, бунинг эвазига Меҳнат Қизил Байроқ ордени ҳамда Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети томонидан Фахрий ёрлиқ билан мукофотланган». Яна хавфсиради: «Рамзининг бошида наҳот қора булутлар пайдо бўлса?!»

Шу пайт ўғли гурс-гурс юриб кириб келди, она унга пешвоз чиқиб кутиб олди:

— Келдингми, болам! Жуда ташвиш қивотгандим, тинчликми?

— Ассалому алайкум! Тинчлик ойи, хавотир олманг, — таскин берди Маннон онасининг елкасини бармоқлари билан сийпалар экан. Аммо унинг юзида ҳижиллик аломатлари сезилиб турарди.

Орадан оз фурсат ўтгач, хонадонга уч нотаниш киши кириб келди. Улар бу хонадонга илгаридан қадрдонлардек муомала қила бошладилар: олдин уйдагиларга юмшоқлик билан сандиқ ва жавонларни очиб беришни сўрашди. Ўзлари эса у ёқ-бу ёққа савлат тўкиб юра бошладилар.

Келганлар орасидан киприксиз бир малла йигит Рамзига юзланди-да, деди:

— Сен қамоққа олиндинг! Бор нарсаларингни кўрсат, ёзган мақолаларинг, бор китобларингни кўтар, кетдик!

— Қандай сабабдан, не гуноҳим учун қамоққа олинаман, — босиқ овозда ҳайратомуз сўради Рамзи.

— Юр-юр, ўша ерда биласан сабабини, — деди-ю, ҳалиги йигит дағаллик билан унинг елкасидан туртиб эшикдан олиб чиқди...

Терговнинг умумий мақсадида бешафқат диктатурани сақлаб қолиш йўлидаги уринишлар ётарди. Бу даврда аллақачон миллий сиёсатнинг сталинчилар гуруҳи томонидан бузилиши социалистик оқимни нотўғри изга буриб юборишга сабаб бўлган эди. Мазкур гуруҳлар, гарчи ўзини ленинча миллий сиёсат давомчиси қилиб кўрсатган бўлсалар-да, амалда Ленин «васиятларию», ўзининг «Иттифоқ жумҳуриятларини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқларини кенгайтириш» тўғрисидаги қасамларини унутди.

1929 йил — «буюк бузилиш» йилида «халқлар доҳийси» раҳбарлигида қишлоқ меҳнаткашларининг фаол отряди қатағон қилинди. Қулоқ-бой хўжалиги белгиларини аниқлашдаги ноаниқликлар натижасида Ўрта Осиёда ўртаҳол ва камбағал деҳқонларга зулм қилинди. Миллионлаб «қулоқ»лар Сибирь, Шимол ва бошқа одам қадами етмаган жойларга бадарға этилди.

Рамзига терговчилар қуйидагича айблов эълон қилдилар; «Ерли раҳбарларни айбсиз ишдан қувишмоқда. Буни аппаратнинг ўзидаёқ бўғиб ташлаш керак», деган гапларни тарқатиб, миллатчилик қилган. Рамзи аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти — «Миллий истиқлол»нинг йирик лидерларидан. Кўп йиллар у ўзининг ҳамфикрлари Боту, Олтой ва бошқалар билан Совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борган. Ўзига ўхшаш рамзилар билан ҳукумат сиёсатини фош қилган».

Ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳурматли муштарий, ушбу оғзаки гувоҳликдан ҳам маъно жиҳатидан ғариб, иғво билан тўлиб-тошган «айблов» бир улуғ маърифат ҳодимини ҳибсга олишга асос бўладими, ахир? Агар «ерли раҳбарларни айбсиз ишдан қувишмоқда» деган гап ҳақиқатан айтилиб, буни ғаламислар сотган эканлар, бу ҳақ гап Рамзининг комиссарлик лавозимидан кетиши билан ўз исботини яна бир марта топган бўлса, бу одил гапнинг — аччиқ ҳақиқатнинг қаери нотўғри, қайси жойи хато?!

Шундай қилиб, маориф раҳбари М. Рамзини 1930 йилнинг 1 сентябрида — ўқув йилининг бошланиш куни 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилдилар.

Осмон узоқ, ер қаттиқ. У чорасизлик, оғир меҳнат, қийноқларни мардонавор енгишга мажбур этди. Рамзи Россиянинг қаҳратон қишларида совуқ ўрмонларда қарағай кесди. Қийноқхоналар ва топталган кадрлар беркитиб қўйилган мудҳиш турмаларда ҳокимлик қилган миллатчи қонунчилар-ҳуқуқбузарлар қўл остида тинкаси қуриб, оғир меҳнат қилди.

30-йиллар бошларида бутун мамлакатда очарчилик ғоят кучайди. Турмаларда эса 300 грамм қора нон маҳбус учун бир кунлик емиш сифатида тақсимланарди.

Турмаларнинг миллатчи мутасадди ва ясовуллари бу ёқда қолиб, туб аҳоли орасида «маҳаллий миллатчи»ларни қидириш бошланди. Бундай миллатчилик ғаламислиги 1933 йилларда Ўзбекистон ҳудудида ҳам кенг қулоч ёйди. Бу даврда «маҳаллий миллатчилик»ка қарши Сталин бошлиқ раҳбарларнинг кураши янги қурбонларга сабаб бўлди. Туғма маданиятни ҳимоя қилиш, урфодат ва анъаналарни сақлашга интилишдек демократик туйғулар миллатчиликка йўйилди. Буржуа миллатчилигига қарши кураш эълон қилиниб, миллийликка хос белгилар назария ва сиёсатда миллатчилик деб тушунтирилди. Сталинча «миллий» сиёсат назарияси миллий хилма-хиллик, миллий ўзига хосликнинг илдизига болта урди. (Ўзбекистон халқлари тарихи. «Ўқитувчилар газетаси», 1991, 9 май).

Бутун вужуди ҳалол меҳнат қилиш билан йўғрилган Маннон ака маҳбусликда юрганда ҳар қандай оғир меҳнатларга бардош бериш билангина эмас, ҳатто уни енгди. Меҳри тош, қалби муз, инсон қиёфасини йўқотган қонун ижрочилари ҳам инсофга келар экан. Ҳар ҳолда ҳалол меҳнатни тўғри баҳолашди — 10 йиллик муддатни 3 йилга алмаштиришди. Рамзи 1933 йилда қамоқдан қутилиб, Тошкентга қайтди. У яна педагогик фаолиятини давом эттира бошлади.

1934 йилнинг бошидан яна ўзининг жонажон иш жойи — Ўзбекистон жумҳурият Халқ маорифи комиссарлигида кадрлар бўлимида тафтишчи бўлиб ишлаган Рамзи районма-район, қишлоқма-қишлоқ юриб, мактаблар ишларини яхшилаш борасида амалий ёрдам қила бошлади. У Тошкентда партия-совет мактабларида дарс берди.

Очиқ айтиш керак, 30-йилларда айбсиз айбдор бўлганлар, емаган сомсага пул тўлаганлар, ноҳақ қамалиб кетганларнинг Сталин сиёсатига, тузум «демократия»сига ҳам очиқ, ҳам яширин норозилиги кучайиб, бундай халқни қафас ичига тиқиб қўйишдек қонунсизликка алам билан юзлантирди. Ашурали Зоҳирий «Сталин Конституцияси — чегара ортидаги қуруқ афишадир», деб унинг туб моҳиятига тупурган бўлса, Рамзи «Бизда адолат йўқ, очлик ва қийноқлар бор», деб фарёд чекди. Бундай ҳақ йўлидаги қарашлар, интилишлар чақимчи ва айғоқчиларга дастурлик вазифасини ўтади — НКВД «искович»ларига етказилди. Бу нарса Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда оммавий тус олган қатағонликлар оловига керосин қуйди.

Ўрта Осиёда партия, шўро ходимлари ва зиёлиларнинг энг саралари, социалистик тузумнинг фаол иштирокчилари шафқатсизларча йўқ қилинди. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг III Пленуми (1937 йил сентябрь)да Сталин билан Молотовнинг махсус хати ўқиб эшиттирилди. Унда Ўзбекистон Коммунистик партияси Акмал Икромов буржуа миллатчилигига нисбатан сиёсий кўрликда, Бухарин ва бошқа «халқ душман»лари билан алоқадорликда айбланди. Акмал Икромов билан бирга партия арбоби Д. Тўрабеков, комсомол Марказий Қўмитаси котиби И. Ортиқов, вилоят қўмитаси котиблари Д. Ризаев, Н. Исроилов, атоқли педагог Рамзи ва бошқалар ҳам гуноҳсиз қурбон бўлдилар.

ТРОЦКИЧИЛИКНИНГ ОҚИБАТИ

Троцкийчи-зиновьевчи блок, агар айтиш жоиз бўлса, ўша даврда ВКП(б) Марказий Комитети, шахсан Сталиннинг сиёсий бошбошдоқлиги, айниқса, ғоявий қалтабинлигига қарши маҳорат билан кураш олиб борди. Улар советларга ва партияга қарши кенг қамровли кураш бошладилар: шу кетиш бўлса, мамлакатда иқтисодий кризис бошланади, Совет ҳокимияти ҳалок бўлади, деб партиянинг иқтисодий сиёсатига қарши кескин курашиб, партия аппарати томонидан ноҳақлик билан тақиқлаб қўйилган (X съезд) ҳар қандай гуруҳбозлик ва фракцияларга эркинлик бериш, демократик юришларни талаб этдилар. Москва ва Ленинград завод ва фабрикаларида партия ва советларга қарши олиб борилаётган бу ғоявий-сиёсий кураш ҳадемай Туркистонга ҳам ёйилди.

Бу даврда Троцкий, Бухарин ва Зиновьевларнинг давлатни бошқариш, мамлакат ва халқнинг истиқболига оид мақолалари Ленин ва Сталинникига нисбатан ҳам ўзбек тилига кўплаб ағдарилиб, «Маориф ва ўқитғувчи», «Аланга», «Ал ислоҳ», «Инқилоб», «Инқилоб ва маданият», «Ер юзи» каби журналларда эълон қилина бошланди. Бу ҳол ўша 20-йилларда «Қизил Ўзбекистон» газетаси ҳамда «Маориф ва ўқитғувчи» журналига редакторлик қилган ва «сиёсий хато қилган» киши сифатида қамалиб келган Рамзи ва унга ўхшашлар фаолиятларини қайта чиғириқдан ўтказишларга олиб келди.

Ўзбек зиёлиларининг М. Рамзи, Шоҳид Эсон Мусаев, Носир Саидов, Абдулҳай Толижиев, Акбар Исломов, Мўмин Усмонов, Аъзам Аюпов, Давлат Ризаев каби сон-саноқсиз педагог, журналист ва масъул кишиларни қатағон қилишда улар адресларига «троцкийчи-зиновьевчи ўнглар гуруҳининг аъзолари, аксилинқилобий миллатчилар» деган «ёрлиқ»лар ёпиштирилди. Бу ғайриқонуний «маданий» юришда троцкийчиликни ҳали ўйлаб кўрмаганлар ҳам мазкур «ёрлиқ» билан қулоғини ушлаб кетавердилар.

Қисқаси, Рамзи фаолияти мазкур «ёрлиқ» асосида такрор элак-элак қилина бошланди.

ТАКРОР ҲИБСДА

1937 йилнинг 13 августи. Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссарлиги Хавфсизлик Комитетининг бошлиғи, катта майор Загвоздин имзо чеккан, кичик лейтенант Аванесовнинг Рамзини қамоққа олиш ҳақидаги қарори билан Рамзи қисмати такрор хавф остида қолади.

Қарорда кўрсатилишича Маннон Рамзи аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти «Миллий истиқлол»нинг кўзга кўринган бошлиқларидан, кўп йиллар ўз маслакдошлари — Боту, Олтой ва бошқалар билан Совет ҳукуматига қарши кураш олиб борган.

(Давоми бор).

ОЛАМ ЯНГИЛИКЛАРИ

ВОҚЕАЛАР ФАКТЛАР ШАРҲЛАР

ҚАРЗ ТЎЛАШ КЕЧИКТИРИЛДИ, БИРОҚ...

● Собиқ Совет Иттифоқига қарз берган 17 мамлакат вакилларининг Парижда бўлиб ўтган кенгаши ниҳоясига етди. Мазкур кенгаш Франция молия вазирлиги ташаббуси билан чақирилган эди. Унда собиқ Совет Иттифоқи ташқи қарзларини тўлаш жараёнини орқага суриш масалаларн муҳокама қилинди.

СССРнинг барча ташқи қарзлари 65 миллиард деб белгиланса, кенгашга йиғилган 17 мамлакат зиммасига 32 миллиард доллар тўғри келади. Мавжуд қонунларга биноан СССР ўз қарзларини 1991 йил 5 декабрдан бошлаб тўлай бошлаши, шу тариқа жорий йил охиригача қисқа ва узоқ муддатли қарзлардан 3,2 миллиарди тўлаб бўлиниши кўзда тутилган эди. Бироқ СССР йўқ бўлганидан сўнг унинг қарзларини собиқ СССРнинг иттифоқдош жумҳуриятларидан 8 таси — Россия, Беларусь, Қозоғистон, Арманистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон ҳамда Туркманистон ўз бўйнига олди. Париждаги учрашувда масалага бундай ёндашув маъқулланди. ва мазкур жумҳуриятлар иқтисодий ислоҳотни изчил давом эттирсаларгина 3,2 миллиард қарзни тўлаш муддатини ҳам кечиктириш мумкин, деб ҳисобланди. Кечиктириш қисқа муддатли қарзларга тааллуқли бўлмайди.

ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ ҚАЙТА ТИКЛАНАДИ

● 1978 ЙИЛДА Вьетнам Соцналистик Жумҳурияти Камбоджага ўз қўшинларини киритганидан сўнг Япония Вьетнамга иқтисодий ёрдам бериш ишларини тўхтатиб қўйган эди. Эндиликда Япония Вьетнамга иқтисодий ёрдам бериш жараёнини қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилди. Япония ташқи ишлар вазири Митио Ватанабэ Пекинда журналистлар билан бўлган мулоқотда юқоридаги гапларни айтди.

ПАНАМА КАНАЛИ ҲАММАНИКИ БЎЛСИН

● БИР ГУРУҲ ноиблар Панама парламентига 2000 йилга бориб Панама каналини «Ер курраси дагн барча халқларнинг мулкига айлантириш» тўғрисида таклиф киритди. Панама каналининг бундай мақомга эга бўлиши океанлараро сув йўлидан бемалол фойдаланиш имкониятини беради ҳамда у Торрихос-Картер шартномасига мос тушади, деб ҳисобланмоқда. Ноиблар Американинг энг сўнгги жангчиси аср охирига бориб Панама ҳудудини ташлаб чиқиб кетиши керак, Америка қўшинлари ўрнига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қисмларини таклиф этиш лозим, деган фикрни билдирдилар.

ТЎҚНАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

● ЧАД пойтахтида ҳукумат қўшинлари билан исёнкор гуруҳлар ўртасидаги қуролли тўқнашувлар ҳамон давом этмоқда. Бироз муддат аввал ҳукумат донралари исёнчилар батамом тормор этилдилар, деган гапсўзларни тарқатган эдилар. Бироқ ҳаёт вазият ўзгача эканлигини кўрсатди. Ўтган якшанба ва душанба кунлари Бол ва Лива шаҳарларида тўқнашувлар авжига чиқди. Лекин кейинги хабарларга қараганда, ҳукумат маъмурларининг қўли ҳар ҳолда баланд келаётганга ўхшайди. Шу орада Франция ташқи ишлар вазири Ролан Дюма сўзга чиқиб, тартибни сақлаш мақсадида Чад пойтахтига киритилган Франция қўшинлари яқин кунлар ичида олиб чиқиб кетилади, деди.

ФУҚАРОЛАР НОРОЗИЛИГИ

● КЕНИЯ ҳукумати сўнгги кунларда озиқ-овқат, ичимликлар ҳамда сигареталарга нархлар оширилганлигини эълон қилди. Бундан норози бўлган минг-минглаб фуқаролар намойишга чиқдилар. Шуни айтиш керакки, тилга олинган маҳсулотлар учун белгиланган баҳолар ресторанларда, барларда, меҳмонхоналарда ҳамда бошқа жойлардаги муассасаларда ҳам оширилмоқда. Бундай қарор ҳукумат томонидан илгарироқ қабул қилинган эди. Аммо у ҳозирга келиб кучга кирди. Лекин фуқаролар бундан дарҳол дарғазаб бўлдилар.

ҚОЧОҚЛАР БОШПАНА ТОПДИЛАР

● Бир неча кун муқаддам жаҳон ахборот воситалари Кубадан бир вертолетнинг олиб қочиб кетилганлиги ва унинг ичида 34 нафар Куба фуқаролари бўлганлиги тўғрисидаги хабарни тарқатган эдилар. Мана шундай ғайритабиий усул билан АҚШга келган 34 нафар кубаликдан 33 таси сиёсий бошпана олиш ҳуқуқига муяссар бўлди. Шу муносабат билан Куба ҳукумати Америка томонига қатъий норозилик изҳор этди ва Америка маъмурларидан вертолетни ҳамда «қароқчиларни» қайтариб беришни талаб қилди.

БИРОВГА ЧОҲ ҚАЗИСАНГ...

● КОЛУМБИЯ пойтахтида ғалати бир суд жараёни давом этаётган эди. Қора курсида ўтирган 17 яшар Андрес Гутьеррес мамлакат президентлигига номзод қилиб кўрсатилган Бернардо Харамильони отиб ўлдиришда айбланаётган эди. А. Гутьеррес ўз қурбонини қора дори «салтанати» — Медельин гуруҳи раҳбарлари топшириғи билан отиб ўлдирган деган гап ўз исботини топаётган бир пайтда яна бир нохуш хабар тарқалди: А. Гутьеррес ва унинг отаси ўтган пайшанба куни ўз уйларида номаълум шахс томонидан отиб ўлдирилди.

ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ

(Боши 1-бетда).

Айни пайтда билим юртига киришни истаганлар хўжаликнинг шартномаси билан ўқишга қабул қилинади. Билим юртига юборилган ҳар бир талаба учун хўжаликлар ғамхўрлик кўрсатиб туришади. Мутахассис қўлига диплом олдими, унга иш жойи тайёр. Энди у киши аввалгидай сарсон бўлиб иш ахтариб юрмайди.

Билим юртида қурилган янги бино ҳозирги замон асбоб-ускуналари билан жиҳозлантирилган. Хусусан, фан кабинетларидаги кўргазмали қуроллар ва техник воситалар ягона пульт орқали бошқарилади. Бундай имконият белгиланган вақтдан унумли фойдаланишга қўл келмоқда. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари кабинетида, «УКНЦ» маркали 13 та бир комплект электрон-ҳисоблаш машинаси ўрнатилган. Бу электрон-ҳисоблаш машиналарининг тўртинчи авлодига мансуб бўлиб, болаларнинг билим доирасини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Илм масканида мавжуд бўлган 24 та турли фан, 6 та махсус фан кабинетларида ҳаёт қайнамоқда. Уларда 624 ўқувчи касб-ҳунар ўрганмоқдалар. Яқинда автодром қайта жиҳозлантирилди. Унда қўйилган асбоб-ускуналар Каттақўрғон шаҳар давлат автомобиль инспекциясининг тавсиясига асосан жиҳозлантирилди.

Бўлажак шоферлар ўзларининг ишлаб чиқариш амалиётларини Москвадаги Лиҳачев номли автозаводда ўтказишади. Завод ва билим юрти маъмуриятлари ўртасида ҳамкорлик қилиш ҳақида шартнома тузилган.

Ишлаб чиқариш амалиёти бевосита иш стажига киради. Бунинг учун талабалар бу даврда жон куйдириб меҳнат қилишлари зарур.

Ўтган йили Москва ва Волгоград шаҳарлари корхоналарида ўтказилган ишлаб чиқариш амалиёти даврида анчагина маблағ ишланди. Шартномага кўра, амалиёт даврида талабалар иш ҳақининг тенг ярмини олишади. Қолган маблағлар эса билим юрти моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланади, ўқувчиларнинг маданий дам олишлари учун ишлатилади.

Ҳозир билим юртининг 2 та замонавий ётоқхонасида болалар яйраб дам олмоқдалар. Улар учун бу ерда турли хил кўнгил очар ўйинлар ташкил қилинган. Шаҳмат-шашка мусобақалари мунтазам ўтказилиб турибди. Санъатга қизиқувчи болалардан таркиб топган «Гулдаста» ансамбли жамоаси ўз репертуарини бойитиб бориб, ҳаммани хурсанд қилмоқда.

«Гулдаста» ансамбли учун миллий чолғу асбоблари ҳам,. кийим-кечаклар ҳам мактаб фондига тушган маблағлардан сотиб олинди. Бундан ташқари, бу ерда тез-тез қизиқарли кечалар, учрашув ва беллашувлар, классик курашчилар ва полвонлар намойиши ўтказиш одат тусига кирган.

Билим юртида таълим-тарбия ишларини яхшилашда тажрибали педагог, жумҳуриятда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Шавкат Бобомуродовнинг хизматлари катта. Билим юртини ташкил қилишда бош-қош бўлиб, 15 йилдирки бу даргоҳнинг ташвиши билан елиб-югуриб уни ибратли билим даргоҳига айлантирди.

«91 йил мактаби (ҳунар-техника билим юрти)» жумҳурият танловига тайёргарлик жараёнида билим юрти директори ўртоқ Бобомуродов кунни-тунга улаб меҳнат қилди.

Ижодий меҳнат зое кетмади. Жумҳурият танлови ҳаками бошқалар қатори каттақўрғонлик ижодкорларнинг меҳнатига ҳам баҳо бериб, уларни V ўрин билан тақдирлади. Мукофот жамоа аъзоларини янги-янги ютуқларни қўлга киритишга даъват этмоқда.

З. БАҲРИЕВ,
ўз мухбиримиз.

Бошланғич синф ўқитувчиси ўз ўрнида ёш боладек ўйинга тушиб, қўшиқ айтишни ҳам билиши керак. Косон ноҳиясидаги 13-мактаб ўқитувчиси Дилмурод Қаҳҳоров бу юмушларнинг уддасидан чиқа билади. Шу боис у вилоят миқёсида ўтказилган «Ўқитувчи-92» кўрик танловида фахрли иккинчи ўрин соҳиби бўлди.

— А. ЧАПЛИГИНА сурати.

ҲАР ТЎҒРИДА

МАДРИД. Америка кашф этилганининг 500 йиллигини байрам қилиш арафасида компьютер ўйинларининг ҳаваскорлари ажойиб совға олдилар. Янги ўйин дисплей олдида вақтни кўнгилли ўтказишга имкон бернишдан ташқари ўйинда қатнашган одам ўзини вақтинча буюк Христофор Колумб деб ҳис этади, унинг янги қитъани кашф этиш вақтидаги барча саргузаштларини бошидан кечиради.

Ҳар бир киши Колумбнинг «Санта Мария» кемасига ўхшаш кемада машҳур денгиз сайёҳига айланиши ва Американи «кашф этиши» мумкин. Буюк кашфиёт йўлида унн маккор сув ости оқимлари ва қоялари, нотаниш денгизлар, довул ва бўронлар кутади.

Унинг ихтирочилари ўйин XV аср денгизчиларининг хавф-хатарга тўла ҳаётини билиб олишга, уларнинг мардлигига муносиб баҳо беришга, Колумбнинг Ҳиндистонга янги йўл излашга мажбур қилган сабабларни тушуниб етишга имкон беради.

⊙

МАНИЛА. Филиппинда анъанага кўра янги йилни хонаки мушакларни портлатиб кутиб олишади. Бу анъана ачинарли оқибатларга олиб келяпти. Янги йил кечаси бахтсиз ходисалар натижасида 14 киши ҳалок бўлди, 1300 кишига жароҳат етди. Маъмурлар ҳарбийларга ва полициячиларга байрамни шахсий қуроллардан осмонга қарата ўқ узиб кутиб олишни тақиқлаб қўйганига қарамай, бир неча киши дайди ўқ тегиб ҳалок бўлди. Филиппин ўт ўчирувчилари учун ҳам тун жуда оғир келди. Сифатсиз турли мушаклардан бепарволарча фойдаланиш натижасида 13 та катта ёнғин чиқди. Ўнлаб уй ёниб кетди. Юзлаб онлалар бошпанасиз қолди. Бироқ шаҳар маъмурлари янги йил байрами бу гал осойишта ўтди, дейишмоқда, чунки ўтган йилда қурбонлар анча кўп эди.

⊙

ТОКИО. Иш билан банд бўлган япон аёлларининг 82 фоиздан кўпроғи Японияни ҳамон «эркаклар жамияти» деб ҳисобламоқда. «Ниҳон кэйдзай» рўзномаси ўтказган янги йил сўровида қатнашган аёлларнинг атиги 14 фоизи нишда эркаклар билан тенг ҳуқуқдан фойдаланишларини айтди.

Япон аёлларининг фикрича, хотин-қизларга муносабатдаги тенгсизлик уларнинг хизмат мансаби ошишида (74 фоиз), меҳнатга ҳақ тўлашда (55 фоиз), ишнинг мазмуни ва меҳнат натижасига баҳо беришда (40 фоиздан сал кўпроқ) намоён бўлмоқда. Япон аёлларининг аксарияти масъулиятлироқ иш билан шуғулланишни хоҳлайди. Айни пайтда улар эркаклар билан аёлларнинг ҳуқуқларини тенглаштириш билан бир вақтда аёлларни соф эркакларга хос ишларга тайинламаслик керак, деб ҳисобламоқдалар. Япон хотин-қизлари ҳали рўзғор ишларининг фарқлаб қўйилиши тарафдоридир. Бироқ анкета саволларига жавоб қайтариш турмушга чиқишга интилаётганлар тобора камайиб бораётганлигини кўрсатди. Савол берилганда оила қурмаган аёлларнинг 40 фоиздан кўпроғи онлавий турмушга интилмаётганлигини айтди.

ОЙНОМАНИНГ ЯНГИ НОМИ

Ушбу суратда тасвирланган ойномани ҳақиқатан ҳам кўҳна, ҳам янги дейиш мумкин. Кўҳналиги шундаки, унга 1918 йилда асос солинган. Дастлаб «Маориф» номи билан нашр этилиб, кейинчалик «Билим ўчоғи», «Маориф ва ўқитувчи», «Политехник мактаб ва педагогика», «Совет педагогикаси», «Совет мактаби» номлари билан юритилди, ўз вақтида бор имкониятлари билан маорифчиларга хизмат қилди. Эндиликда маориф соҳасига ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Мактабгача тарбия, бошланғич таълим, ўрта умумий таълим, ҳунар-техника таълими, ўрта махсус таълим, олий таълимни узвий бирликда, бир-бирини тўлдирувчи, бир-бирига боғлиқ восита сифатида тасаввур қила бошладик ва шу бирликни сақлаб қолишга ҳаракат қилдик. Шу жиҳатдан олганда, ушбу вазифаларнинг бажарилишини ёритиш учун «Совет мактаби» доираси торлик қилиб қолди.

Шуни ҳисобга олиб, ўтган йили «Маърифат» рўзномаси орқали муштарийлардан у келгуси йилдан бошлаб қандай ном билан аталиши хусусида ўз фикрлари билан ўртоқлашишлари илтимос қилинганди. Қисқа давр ичида халқ таълими ходимларидан, талабалардан кўплаб хатлар, телеграммалар олинди. Уларнинг аксарияти ойномани «Халқ таълими» деб номлаш хусусида фикр юритилган.

Мана, янги номдаги ойноманинг илк сони босмадан чиқди. У ўз ўтмишдошларидан нимаси билан фарқ қилади? Лўнда қилиб айтганда, аввало, у ўтмишдошлар давомчиси бўлиб, журнал мазмунини бойитиш ҳамда унинг безалишига жиддий аҳамият берилди. Иккинчидан, ёритилаётган ҳар бир материалнинг таълимий ва тарбиявий имкониятлари кучайтирилди.

Муштарийлар эътиборига ҳавола қилинаётган «Халқ таълими» журнали 1-сонида шу нуқтаи назардан характерли бўлган материаллар талайгина. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва маданиятни ижтимоий ривожлантириш бўлимининг катта эксперти Ш. Холмирзаеванинг иқтидорли ўқувчиларни тарбиялашга бағишланган мақоласи, мактабда бошқарув фаолиятини ташкил қилишга оид, дарсда муаммоли ҳолатларнинг юзага келиши ва уни бартараф этишга бағишланган материаллар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, ушбу сонда турли фан ўқитувчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишлари мумкин.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҚАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ҚАФЕДРА МУДИРИ:
— информатика ва ҳисоблаш техникаси;
— қишлоқ хўжалиги асослари;
— геометрия;
— сиёсий тарих (гуманитар факультетларда);
— халқ чолғу асбоблари;
— хор дирижёрлиги;
— овоз қўйиш ва ашула;
— сурдопедагогика ва дефектологиянинг клиник асослари;
— жамиятшунослик ва тарих ўқитиш методикаси;
— жаҳон ва ватан маданияти тарихи назарияси;
— зоология;
— анъанавий хор қўшиқчилиги;
— ўзбек классик адабиёти ва миллий адабиётлар (СССР халқлари).

Электр ва радиотехника кафедрасига.

ПРОФЕССОРЛАР:
— математик таҳлил;
— математика ўқитиш методикаси (2 нафар);
— информатика ва ҳисоблаш техникаси;
— сиёсий тарих (табиий факультетларда);
— ўлкашунослик, қадимги дунё ва ўрта аср тарихи;
— бошланғич таълим методикаси;
— социализм назарияси;
— умумий педагогика (2 нафар);
— рус тилшунослиги;
— ёш физиологияси ва мактаб гигиенаси;

Эски ўзбек ёзуви кафедрасига.

ДОЦЕНТЛАР:
— математик таҳлил;
— математика ўқитиш методикаси (2 нафар);
— алгебра ва сонлар назарияси (2 нафар);
— информатика ва ҳисоблаш техникаси (2 нафар);
— физика ўқитиш методикаси;
— ботаника;
— чизмачилик ва тасвирий санъат ўқитиш методикаси;
— қишлоқ хўжалиги асослари;
— зоология;
— иқтисодий жуғрофия;
— экология;
— геометрия;
— бошланғич таълим педагогикаси;
— рус тилшунослиги;
— рус ва чет эл адабиёти (3 нафар);
— ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси (3 нафар);
— мусиқий тарбия методикаси;
— халқ чолғу асбоблари;
— умумий психология (3 нафар);
— тарбиявий ишлар методикаси;
— ўзбек адабиёти (3 нафар);
— сурдопедагогика ва дефектологиянинг клиник асослари;
— мактабгача педагогика (2 нафар);
— рус тили ва уни бошланғич синфларда ўқитиш методикаси;
— Ўзбекистон тарихи (2 нафар);
— электр ва радиотехника (2 нафар).

Ўзбек классик адабиёти ва миллий адабиётлар (СССР халқлари) кафедраларига.

ҚАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:
— математик таҳлил;
— алгебра ва сонлар назарияси;
— электр ва радиотехника;
— чизмачилик ва чизмавий геометрия (4 нафар);
— расм (3 нафар);
— ранг тасвир;
— чизмачилик ва тасвирий санъат ўқитиш методикаси;
— кимё;
— зоология (2 нафар);
— ўзбек группаларида рус тили (табиий факультетларда);
— экология;
— бошланғич таълим педагогикаси;
— мактабгача тарбия методикаси;
— рус тилшунослиги;
— рус ва чет эл адабиёти;
— фортепиано;
— анъанавий хор қўшиқчилиги;
— халқ чолғу асбоблари (3 нафар);
— мантиқ ва фалсафа тарихи;
— ўзбек группаларида рус тили (гуманитар факультетларда);
— чет тиллар (гуманитар факультетларда, 2 нафар);
— фалсафа;
— табиий жуғрофия;
— рус тили ва уни бошланғич синфларда ўқитиш методикаси (2 нафар).

Ўзбек тилшунослиги кафедрасига.

ЎҚИТУВЧИЛАР:
— математика ўқитиш методикаси;
— умумий ва экспериментал физика;
— расм (3 нафар);
— ботаника;
— иқтисодий жуғрофия;
— ўзбек группаларида рус тили (табиий факультетларда, 2 нафар);
— экология;
— бошланғич таълим методикаси (4 нафар);
— рус тилшунослиги;
— рус ва чет эл адабиёти (2,5 нафар);
— фортепиано;
— мусиқий тарбия методикаси (2 нафар);
— миллий халқ қўшиқчилиги (3 нафар);
— халқ чолғу асбоблари;
— овоз қўйиш ва ашула;
— ўзбек группаларида рус тили (гуманитар факультетларда, 3 нафар);
— сурдопедагогика ва дефектологиянинг клиник асослари (4 нафар);
— мактабгача педагогика (2 нафар);
— рус группаларида ўзбек тили (5 нафар);
— жисмоний тарбия (3 нафар);
— мусиқа назарияси ва тарихи;
— Ўзбекистон тарихи;
— жамиятшунослик ва тарих ўқитиш методикаси;
— СССР тарихи;
— чет тиллар (гуманитар факультетларда);
— олигофренопедагогика ва логопедия;
— табиий жуғрофия;
— эски ўзбек тили ва ёзуви,
— болалар психологияси.

Умумтехника фанлари кафедрасига.

КОНКУРС МУДДАТИ ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГОҲГА ЮБОРИНГ: 700100, ТОШКЕНТ, ГЛИНКА КЎЧАСИ, 3-УЙ. НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ.

БУ РИСОЛАНИ ЎҚИНГ

Жоҳил фарзандининг гуноҳи ота-онанинг зиммасидадир.

Билим — ёруғликдир. Нодонлик — қоронғуликдир.

(Исматулла Раҳматуллаевнинг «Алифбе таълими» китобидан).

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Педагогика жамияти Юсуф Абдуллаев ва Ўтамурод Нурмуҳамедовларнинг ўзбек халқи маорифи тарихидан ёзган янги рисоласини нашр этди.[1]

Мазкур рисола Ўзбекистонда миллий мактабларни ташкил этиш ва маориф-маданият тарқатиш ишига муносиб ҳисса қўшган самарқандлик зиёкор Исматулла Раҳматуллаевнинг ҳаёт фаолиятини ёритишга бағишланган.

Рисола марҳум Исматулла Раҳматуллаевнинг фото расми билан очилади ва қуйидаги сарлавҳалар тизимида атоқли педагогнинг кўп қиррали ҳаёти ва фаолияти ёритилади: 1. Устоз ва шогирд, 2. Алифбе таълими, 3. Дўстлик шарофати, 4. Миннатдорчилик, 5. Мураббийлик бахти, 6. Яхшиларнинг умри боқийдир, 7. Гул унган излар.

Сарлавҳалардан кўриниб турибдики, И. Раҳматуллаевнинг ранг-баранг фаолиятини тўла қамраб олишга ҳаракат қилинган. Унда қайд этилишича, муаллифларнинг «Ўқитувчилар газетаси»да босилган «Яхшиларнинг умри боқийдир» сарлавҳали илмий-методик очерки мазкур рисоланинг яратилишига туртки бўлган.

Хўш, Исматулла Раҳматуллаев ким эди?

Исматулла Раҳматуллаев 1883 йилда Самарқанд шаҳари яқинидаги Ражаб амин қишлоғида туғилган, янги усулда мактаблар очган устозлари Абдуқодир Шакурий ва Саидаҳмат Сиддиқийлар мактабида ўқитувчилик қилган, ўзи ҳам янги усулдаги мактаблар очиб, «Алифбе таълими» дарслигини тузган, Ҳ. Ҳ. Ниёзий, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва С. Айнийлар билан яқин дўст эди. 1922 йилда И. Раҳматуллаев ташаббуси билан ташкил этилган педагогика билим юртига унинг ўзини директор этиб тайинлайдилар. Мазкур педагогика билим юртида Ҳамид Олимжон, Воҳид Абдуллаев, Музайяна Алавия, меҳнат қаҳрамони Маҳкам Нарзиқулова, СССР халқ артисти Раззоқ Ҳамроев каби таниқли ва атоқли шоирлар, олимлар ва санъаткорлар Исматулла Раҳматуллаев қўлида таълим олганлар. Билим юртида И. Раҳматуллаев мусиқа ўқитиш ишига жиддий аҳамият берган, Юнус Ражабий ва Толибжон Содиқовларни билим юртига ўқитувчиликка жалб этган.

И. Раҳматуллаевнинг 30 йиллик педагогик фаолияти 1935 йилда «Меҳнат Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган. Бироқ 1937 йилда «Марказ»нинг кўрсатмаси бўйича тўраларнинг тўқиб чиқарган бўҳтони билан «халқ душмани» тамғаси босилиб, 17 йил қамоқ, сургунлар жабрини тортди. Унинг ҳаёти ва фаолияти силлиқ кечган эмас. У отасидан 14 ёшида жудо бўлган онаси 1936 йилда оламдан кўз юмган. Уч қиз ва бир ўғил ўстирган. Кейинчалик ҳақиқат қарор топиб, И. Раҳматуллаев оқланган, таълим-тарбия соҳасидаги катта хизматлари учун унинг чомини абадийлаштириш бошланган. Республикамизнинг қалдирғоч зиёкорларидан бири И. Раҳматуллаев яшаган кўчага унинг номи берилди, хотирасига мемориал ёргорлик ўрнатишга қарор қилинган.

Рисолада таъкидланганидек, И. Раҳматуллаев 1915 йилда ўзининг педагогик тажрибаларини умумлаштириб, «Алифбе таълими» дарслигини нашр қилдиради. Бу дарсликдан унумли фойдаланган ёшлар қисқа муддат ичида араб имлосида саводини чиқарган.

Назаримизда мазкур дарслик ҳозирги вақтда қайта нашр этилса, ёшлар ундан унумли фойдалана оладилар. Мазкур дарсликда кўрсатилишича, араб имлосида ҳар бир ҳарф тўрт шаклга эга: ёлғиз ўзи ёзилиши, сўзнинг бошида ёзилиши, сўзнинг ўртасида ёзилиши, сўзнинг охирида ёзилиши. Масалан «В» ҳарфи «в» товушини ва бошқа ҳарфлар билан қўшилганда, «у» ёки «у» унли товушларини, «Е» ҳарфи И, Й, Е, Э каби товушларни билдириб келиши, «С» ундоши ҳам уч шаклга эгалиги ҳақида содда тушунтиришлар берилган. Кейинги дарсларда ҳарфларнинг сўз ўртасида, охирида ёзилиши кўрсатилади. Шу асосда араб имлосининг «сир»лари ўқувчиларга очила боради. Кейин араб имлосида ёзувда ифодаланмайдиган «ҳаракатлар» ва изфат ҳақида маълумот берилади.

Дарсликнинг алифбе қисмидан сўнг улар асосида турли матнларни ўқиш машқи бошланади. Шуниси характерлики, берилган турли жанрдаги матнлар ҳам таълимий, ҳам тарбиявий жиҳати билан бир-галикда баён этилади. Масалан, «Қор фасли» («Тўрт. фасл») матнида дейилади: «Бир йил тўрт фаслдан иборат—баҳор, ёз, куз, қиш. Ҳар йил ўн икки ойдан иборат. Бир ой 30 кун ёки 4 ҳафтадан иборат. Бир ҳафта етти кундир, бир кеча-кундуз 24 соат, бир соат 60 дақиқадан иборат. Ҳар бир дақиқани ғанимат билиб ўқиш ва ўрганиш керак».

Хуллас, «И. Раҳматуллаев қаерда, қайси мактабда дарс бермасин, бутун билимини, ғайратини ёшларга бахш этди» (15-бет).

Мазкур рисоланинг қимматли томони нимада?

Маълумки, ҳозирги кунларда муаллимлар тайёрлаш олий-гоҳларида талабалар педгогика фанини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинган дарсликлар асосида ўрганмоқдалар. Ўзбек халқ педагогика фани дарслиги яратилган эмас. Айниқса, педагогика тарихи фани дарсликларини бугунлай қайта ишлаш зарур бўлиб турибди. Чунки уларда асосан чет эл ва рус педагогикаси тарихи кенг ёритилиб, ўзбек халқ педагогикаси тарихи четлаб ўтилган. Худди мана шу бўшлиқ, очилмаган саҳифалар ўз муаллифларини кутмоқда. Мазкур рисола ўзбек халқ педагогикаси тарихидан муҳим илмий-методик материаллардан бири бўлиб хизмат этади. Шу туфайли биз мазкур рисолани муаллимлар тайёрлаш олийгоҳи ўқитувчилари ва талабаларига ўқиб чиқишни тавсия этишни истар эдик.

Яна бир истак шуки, Исматулла Раҳматуллаевнинг «Алифбе таълими»ни нашриётлар қайта чоп этсалар, бошланғич синф ўқитувчилари ва ўқувчилари учун савоб ишга қўл урган бўлар эдилар.

Байит ТУРДИЕВ,
доцент.
Манзура ТУРДИЕВА,
ЎзПФИТИ аспиранти.

1) Ю. Абдуллаев, Ў. Нурмуҳамедов. Яхшиларнинг умри боқийдир. Тошкент, 1991 йил. Ўзбекистон Республикаси Педагогика жамияти. Масъул муҳаррир — Б. Ўринбоев — филология фанлари доктори, профессор.

Бош муҳаррир
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

6491-буюртма. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00 Босишга топширилди 20.00. Тиражи 140000.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12